



СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ БИРЛАМЧИ БЎҒИНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 6 ноябрь куни соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини такомиллаштириш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилиш аввалида қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар фаолиятидаги муаммолар таҳлил қилинди. 2019 йилги ўлим ҳолатларининг 60 фоизи шу бўғинда олдини олиш мумкин бўлган юрак-қон томир касалликлари ҳисобига тўғри келган. Онкология йўналишидаги беморларнинг яримида касаллик иккинчи ва учинчи босқичга ўтиб бўлганидан кейин аниқланмоқда. Биринчи бўғинда сифат пастилиги учун аҳоли тўғридан-тўғри марказий шифохоналарга боришга мажбур бўлмоқда.

Чунки шариот билан талаб, иш ҳажми мутаносиб эмас. Масалан, қишлоқ врачлик пунктининг умумий амалиёт шифокори зиммасига 146 турдаги касалликка диагноз қўйиш ва даволаш, 213 турдагисига бирламчи диагноз қўйиш ва йўлланма бериш, шунингдек, реабилитация, диспансеризация ва профилактика бўйича жуда кўп вазифалар юклатилган.

Шу боис, давлатимиз раҳбари қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалардаги тиббий хизмат тизими, шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг вазифа ва функцияларини тўлиқ қайта қўриб чиқиш зарурлигини айтди.

Илғор хорижий тажриба асосида умумий амалиёт шифокорини ҳақиқий оилавий шифокорга айлантириш чоралари белгиланди. Уларга ёрдам бериш учун терапия, педиатрия, акушерлик ва патронаж бўйича тиббиёт бригадалари ташкил этилади. Бу бригадалар ўзларига бириктирилган оилалар кесимида "тиббий ҳарита"лар шакллантириб, манзилли иш олиб боради. Аҳолининг саломатлик ҳолати баҳолалиб, электрон базаси яратилади. Бунинг учун тиббиёт ходимлари планшет, мобиль диджиталка воситалари билан таъминланади.

5 ёшгача бўлган болалар, ҳомиладор, туғиш ёшидаги ва 35 ёшдан ошган аёллар, 40 ёшдан ошган шахслар доимий назоратга олиниб, скрининг текширувлари ўтказилади. Касалликка мойил бўлганлар индивидуал патронажга олинади.

Бундан буён, бепул тиббий ёрдам учун йўлланмани ҳамда бепул тарқатиладиган дориларга рецептни ҳам оилавий шифокор беради. Маҳалладаги аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари, касалликларнинг эрта аниқлинишига қараб, оилавий шифокорлар меҳнати рағбатлантирилади.

Мутасаддиларга ушбу тизимни шаҳар ва туманларда босқичма-босқич жорий этиш, тиббиёт бригадаларини илғор тажриба асосида қўшимча ўқитиш, оилавий шифокорлар фаолиятини баҳолаш мезонлари ва рағбатлантириш тартибини ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда кадрлар масаласи атрофлича қўриб чиқилди. Қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда 20 мингдан зиёд шифокор штати бор, лекин атиги 12 минг мутахассис ишламоқда. Чунки бугунги кунда умумий амалиёт шифокори касби олий ўқув юртлари битирувчилари учун жозибador

эмас. Ходимларни рағбатлантириш, малакаси ва лавозимини оширишга эътибор йўқ.

Шу боис, Президент шифокорларга муносиб шариотлар яратиш орқали уларни энг қўйи бўғин — қишлоқ врачлик пункти ва оилавий поликлиникаларга жалб қилиш зарурлигини таъкидлади.

Бунинг учун чекка ҳудудлардаги бирламчи бўғин тиббиёт тизими учун "Қишлоқ шифокори" дастури жорий қилинади. Бу дастурга муносиб олис ҳудудлардаги бирламчи бўғинга ишга кирган тиббиёт ходимларига 30 миллион сўм миқдорда бир марталик пул маблағи берилди, улар хизмат ўйи билан таъминланади ёки ижара тўлови компенсация қилинади.

Шифокорларга бўлган эҳтиёжларни маҳаллалар кесимида аниқлаб, тиббиёт олий ўқув юртларида квотани ошириш, ипотeka асосида қурилаётган уй-жойларни, аввало, бирламчи бўғин шифокорлари учун ажратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, келгуси йили 100 та қишлоқ врачлик пункти ва 24 та оилавий поликлиника ташкил этилиши белгиланди.

Сирдарё вилояти мисолида ҳар бир бўғин вазифалари аниқ белгиланган, давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматлар ва дори воситалари пакетларини ишлаб чиқиш топшириғи берилди. Буни молиялаштириш учун давлат тиббий сўғуртаси механизми жорий этилиб, алоҳида жағфарма ташкил қилинади.

Шифокорлар иш кунининг 60 фоизини ҳисобот тўлдирishга сарфлаётгани таъкидланди, бу жараёнларни рақамлаштириш вазифаси қўйилди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таҳлиliga кўра, даволаш инсон саломатлигини таъминлашининг 10 фоиз омилли, холос. Ирсий омилар 15 фоиз, атроф-муҳит 20 фоиз, энг асосийси, турмуш тарзи 55 фоизни ташкил этади. Коронавирус касаллиги ҳам нотўғри турмуш тарзи оғир оқибатларга олиб келишини кўрсатди.

— Тўғри овқатланиш ва жисмоний фаоллик орқали қанчадан-қанча касалликларнинг олдини олиш, инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш мумкинлигини барча тушуниши керак, — деди Президент.

Бирламчи бўғин ходимлари аҳолини тўғри овқатланиш ва жисмоний тарбияга ўргатиши муҳимлиги таъкидланди.

Аниқланишича, 40 фоиз аёлларда фоллий кислотаси ва темир моддаси етишмаслиги кузатиламоқда, 5 ёшгача бўлган болаларнинг 55 фоизда темир моддаси етишмаслиги сабабли камқонлик келиб чиқапти. Боғча ва мактаб ёшидаги 70 фоиз болаларда ичак паразитлар касалликлари мавжуд.

Шу боис, келгуси йил 1 июндан бошлаб 5 ёшгача бўлган болаларни витаминлар ва микронутриентлар билан, 10 ёшгача ўғил-қизларни паразитларга қарши дорилар билан, ҳомиладор, эмизикли аёллар ва 15 ёшгача бўлган болаларни йод препаратлари билан, 35 ёшгача аёлларни

фоллий кислотаси ва феррум билан бепул таъминлаш чоралари белгиланди. Ушбу дори воситалари ва витаминлар оилавий шифокорлар томонидан тарқатилади.

Йиғилишда ҳар бир ҳудуддаги касалликлар таркибига қараб, ихтисослашган даволаш муассасалари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Мисол учун, Фарғона ва Сирдарёда нафас йўллари, Қашқадарёда эндокринологик, Тошкент шаҳрида ошқозон-ичак, Андижонда юрак қон-томир, Қорақалпоғистон ва Хоразмда буйрак касалликлари энг кўп қайд этилган.

Шу каби долзарб йўналишлар бўйича ҳудудларда илғор хорижий клиникалар филиалларини ташкил этиш, бунга хусусий секторни жалб қилиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

17 та ихтисослашган тиббиёт марказини ҳудудий шифохоналар билан боғлаш, телемедицина орқали тажриба алмашинуви ривожлантириш, касалликлар тури ва динамикасидан келиб чиқиб, жойларда ихтисослашган марказнинг минтакавий филиалларини ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ушбу йиғилиш Тиббиёт ходимлари кўни арафасида ўтказилаётганига уруғ бериб, барча шифокорларни байрам билан табриклади.

— Бугунги давр талаби шундайки, байрам кунлари, тантанали айёмларда ҳам, ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган турли муаммолар ҳақида ўйлашимиз, уларнинг самарали ечимларини топишимиз зарур. Барча соҳалар қатори тиббиёт тизими олдида ҳам ғоят мураккаб вазифалар юзага келмоқда. Инсон саломатлиги учун ўзини масъул ва жавобгар деб ҳисоблайдиган ҳар бир тиббиёт ходими билим ва малакасини доимий ошириб бориши, янги технологиялар ва даволаш усулларини ҳар томонлама пухта эгаллаши энг ўқир масалага, ҳаётий заруратга айланмоқда. Аминманки, Абу Али ибн Синодек буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари, Ўзбекистон тиббиёт мактаби аъёналарининг давомчилари бўлган сиз, азизлар, ўз фаолиятингизни ана шундай юксак мезонлар асосида ташкил этиб, олижаноб бурчингизни бундан буён ҳам шараф билан адо этасизлар, — деди Президент.

Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб кадрлаш, малакали кадрлар тайёрлаш, хорижий тиббиёт марказлари ва олийгоҳлари билан илмий-амалий ҳамкорлиқни кучайтириш масалалари давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиши таъкидланди.

Пандемиянинг биринчи кунларидан бошлаб бу курашга 100 мингдан зиёд тиббиёт ходимлари сафарбар этилган, улар ўзларини аямасдан, жонларини гаровга қўйиб, ҳақиқий қаҳрамонлик кўрсатаётгани эътироф этилди.

— Ишонаман, жонкуяр шифокорларимиз бугунги белгиланган вазифаларни ҳам фидойилик ва матонат билан, бор билим ва тажрибаларини ишга солиб, албатта, уддалайдилар. Энг катта бойлик бўлган халқимиз саломатлигини сақлашда ҳақиқатда жонбозлик кўрсатадилар, — деди Шавкат Мирзиёев.

Видеоселектор йиғилишида соҳа мутасаддилари, вилоят ҳокимлари, тиббий марказлар ва олий таълим муассасалари раҳбарлари ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирди.

ЎЗА



Таълим ва тараққиёт

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА УЙҒОНИШ ДАВРИНИНГ ДАСТУРИЛАМАЛИ

Бутун дунё пандемиянинг оғир оқибатлари билан курашаётган бир пайтда Ўзбекистонда таълим-тарбия, илм-фан, маънавий юксалиш ва миллий тараққиёт билан боғлиқ долзарб масалалар кун тартибига қўйилмоқда.

Буни Президентимизнинг "Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони лойиҳаси мазмун-моҳиятида ҳам қўриш мумкин.

Мутахассислар фикрича, ушбу ҳужжат Ўзбекистонда

нафақат мустақилликкача, балки ундан кейинги даврда ҳам етарлича эътибор қаратилмаган соҳалар, хужини жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони лойиҳаси мазмун-моҳиятида ҳам қўриш мумкин.

Мутахассислар фикрича, ушбу ҳужжат Ўзбекистонда

Агар давлатимиз раҳбарининг 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кўнига бағишланган тантанали тадбирдаги маърузасида Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс даврининг мазмун-моҳияти очиб берилган бўлса, жамоатчилик томонидан қизгин муҳокама этилаётган янги фармон лойиҳасини УЙҒОНИШ ғоясини амалга оширишнинг амалий дастури, дейиш мумкин. Зеро, тарих ҳар қандай давр ва маконда таълим-тарбия ҳамда илм-фан ривожисиз юксалиш бўлмаганидан далолат беради.

Давоми 3-бетда

МДХ ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг Ўзбекистон Республикаси раислигидаги навбатдаги йиғилиши 6 ноябрь куни видеоконференцалоқ шаклида бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов олиб борди.

Тадбирда, шунингдек, Беларусь, Молдова, Озарбайжон, Тожикистон, Қозоғистон Республикаси Бош вазирлари, Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси, Арманистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Қирғиз Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи ва Бош вазири, Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, ташки ишлар вазири иштирок этди.

Мажлис қатнашчилари асосий эътиборни МДХ доирасидаги иқтисодий ҳамкорлиқнинг долзарб масалаларига, шунингдек, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши самарали курашиш бўйича биргаликдаги саяёҳаракатларга қаратдилар. Бунда Мустақил

Давлатлар Ҳамдўстлиги эркин савдо зонасининг тўлиқ ишлаши муҳимлиги таъкидланди.

Ҳамдўстликка аъзо давлатлар халқларининг фаровонлиги ва турмуш сифатини ошириш учун яхши қўшничилик, узаро ҳурмат ва манфаатларни ҳисобга олиш асосида ҳамкорлиқни йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди.

Ҳукумат раҳбарлари Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлиқнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашдилар, 2030 йилгача бўлган даврда МДХ иқтисодий ривожланиш стратегиясининг биринчи босқичи (2021-2025 йиллар)ни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар режасини муҳокама қилди.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди

Республикада аҳоли ўртасида оммавий спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда — юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол, "Workout" (маҳалла ва кўча фитнеси) спортнинг устувор турлари этиб белгилансин.

2021 йилдан бошлаб:

юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол ва "Workout" спорт турларини оммавийлаштириш ва ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан дастурлар тўлиқ бажарилгунга қадар ҳар йили

104 миллиард сўмдан;

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилишга қаратилган дастурларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан дастурлар тўлиқ бажарилгунга қадар ҳар йили 10 миллиард сўмдан маблағлар ажратилади.



аҳолини кунлик юриш ва югуришга тарғиб қилиш мақсадида "Соғлом турмуш тарзи" (www.1hls.uz) платформасини яратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин. Бунда:



Ўзбекистон ҳудудида бир сутка давомида ўн минг ва ундан ортиқ қадам юрган 18 ва ундан юқори ёшдаги Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг платформадаги электрон ҳаётига

3 минг сўмдан;



ҳар ойда ҳар бир туман (шаҳар) бўйича энг кўп юрган шахсга 300 минг сўмдан, ҳар бир ҳудуд бўйича энг кўп юрган шахсга 500 минг сўм, республика бўйича энг кўп юрган шахсга 1 миллион сўм қўшимча равишда платформадаги электрон ҳаётига ўтказилади.



2020 йил 15 ноябрга қадар ҳар бир туман маркази ва шаҳарларда пиеда ва велоспедда юриш учун "Саломатлик йўлакларини"ни ташкил этиш бўйича тегишли лойиҳалар ишлаб чиқилади.



2021 йил давомида босқичма-босқич барча туманларда аҳоли учун қулай бўлган кўчаларда умумий узунлиги 50 километр бўлган пиеда ва велоспедда юриш учун "Саломатлик йўлакларини" ташкил этилади.



2021/2022 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларида умумий ўқув соатлари доирасида жисмоний тарбия фанини барча синфларда ҳафтада

2 соатдан ўқитиш ташкил этилади.



МДҲ ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

МДҲ мамлакатлари савдо-иқтисодий ҳамкорлигининг базавий тамойиллари ва асосий йўналишларини белгилаб берадиган ушбу ҳужжат Ҳамдўстликка аъзо давлатлар иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш, юқори технологияли транспорт тизимларини яратиш, агросаноат мажмуасини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни рақамлаштиришни жадаллаштириш, илмий-техникавий ва фан-таълим салоҳиятини юксалтириш ҳамда молиявий ва ижтимоий-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган.

Йиғилиш иштирокчилари ўз маърузаларида короновирус пандемияси билан боғлиқ аҳволга алоҳида тўхталиб ўтишди. Хусусан, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедев, жумладан, ушбу касаллик оқибатида берилган қурбонлар миқдори ва нисбати бўйича нафақат МДҲда, балки дунёда ҳам энг ижобий кўрсаткичлардан бирини қайд этган Ўзбекистон эпидемияга қарши самарали курашиш, пандемиянинг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирини юмшатиш борасида намуна бўлганини алоҳида таъкидлади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ҳукумат раҳбарлари кенгаши йиғилишида илк бор қатнашётган Қирғиз Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакат Бош вазири Садир Жапаров Россия, Қозоғистон, Озарбайжон қатори Ўзбекистон Президенти ва Ҳукумати ҳам пандемия даврида қардош қирғиз халқини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида бир неча бор инсонпарварлик ёрдами кўрсатганини эътироф этди ва самимий миннатдорлик билдирди.

Қозоғистон Республикаси Бош вазири Асқар Мамин эса МДҲ ҳудудида иқтисодий ривожланишни таъминлаш, мамлакатларимиз иқтисодиётига пандемиянинг салбий таъсирини имкон даражасида камайтириш, ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини тиклаш масалаларига тўхталаркан, бу борада бир неча аниқ тақлифлар билдирди. Шу билан бирга, айни йўналишда мамлакатимизда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг юқори самарадорлигини қайд этди. Ўзбекистон раислигида Кенгаш доирасида аввалги йиғилишларда қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини эътироф этди.

Қозоғистон ҳукумати раҳбари ҳамкасблари диққатини озик-овқат хавфсизлиги масаласи ҳамда туризм, транспорт соҳаларидаги ҳамкорлик қўламини кенгайтиришга жалб этаркан, жумладан, Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг “Буюк ипак йўли” трансчегаравий сайёҳлик маҳсулотини яратиш бўйича ҳамкорлигини мисол қилиб келтирди. Бу жараёнда Туркистон — Чимкент — Ташкент — Самарқанд — Бухоро — Хива тезйорар темир йўл тармоғини ишга тушириш бўйича лойиҳа амалга оширилишини маълум қилди.

Ҳукумат раҳбарлари кенгаши мажлиси яқунлари бўйича транспорт, энергетика, қурилиш, таълим, маданият, туризм, жимсионий тарбия ва спорт соҳаларини, шунингдек, ёшлар сиёсатини ривожлантиришга оид жами 23 ҳужжат имзоланди.

Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш, инновациялар, маҳаллий моҳирларолар иштирокчилари ва уларнинг оилалари ҳаётини яхшилашга оид дастурлар, минтақалараро ва трансчегаравий ҳамда қишлоқ ҳўжалиги муҳандислиги соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш концепциялари, транспорт хавфсизлиги ва МДҲга аъзо давлатларнинг гуманитар соҳадаги ҳамкорлигини таъминлаш бўйича ҳаракатлар режалари, жамиятнинг рақамли ривожланиши ва радиоактив материалларни трансчегаравий ташиш соҳасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи шартномалар шулар жумласидан.

МДҲ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси 2021 йил 28 майда Беларусъ Республикаси раислигида Минск шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган.

Ғайрат ХОННАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири

Ҳиндистон ва Ўзбекистон бутун тарих давомида бир-бири билан доимий ҳамкорлик қилиб келган энг қадим давлатлар сирасига киради.

Янги Ўзбекистон — дунё нигоҳида

Маниш ПРАБХАТ: Ўзбекистоннинг бетакрор маданияти, Самарқанд ва Бухоро каби тарихий шаҳарлари мамлакатимизда жуда машҳур



Жорий йил 16 октябрь куни “Қўксарой” қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга хорижий мамлакатларнинг янги тайинланган элчилари қаторида ишонч ёрлигини топширган Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги элчиси Маниш Прабхат “Дунё” ахборот агентлиги мухбирига эксклюзив интервью бериб, Ўзбекистондаги илк таасуротлари ва келгуси режаларини сўзлаб берди.

— Мухтарам элчи, ушбу масъулиятли лавозимга тайинланганингиз билан самимий табриклаймиз. Аввало, Ўзбекистон ҳақидаги илк таасуротларингизни сўзлаб берсангиз.

— Табригингиз учун ташаккур. Ўз навбатида, барча ўқувчиларингизга ўзининг самимий салоомини йўллайман.

Афсуски, пандемия тўғайли Деҳли ва Ташкент ўртасида тўғридан-тўғри рейслар вақтинча амалга оширилмаяпти. Шу боис, икки ярим соатлик парвоз ўрнига Деҳлидан Франкфурт-Майн шаҳри орқали Ташкент йўналишида кунбўйи парвоз қилиб, 24 сентябрь куни мамлакатингизга етиб келдим.

Ўзбекистонда пандемия билан боғлиқ муаммолар нақадар самарали ҳал этилаётгани мени жуда ҳайратлантирди. Ниқоб тақиш, ижтимоий масофа сақлаш, шу каби бошқа хавфсизлик ва шахсий гигиена талабларига қатъий риоя этилишини кўзда тутувчи карантин тадбирлари жорий этилганига қарамай, фуқароларнинг эркин ҳаётига тўсиқ қўйилмаган. Касаллик ҳўлатлари мутахассислар томонидан доимий назоратга олинган, соғлиқни сақлаш органлари ўз вазифаларини яхши бажармоқда.

Ўзбекистонга пандемия оқибатларига қарши курашиш, турли лойиҳаларни амалга ошириш орқали иқтисодий фаолиятни янада жонлантириш ва фуқароларни иш билан таъминлаш имкониятларини кенгайтириш бора-сида муваффақиятлар тилайман.

— Бугун Ўзбекистон – Ҳиндистон муносабатларининг кун тартибни ниҳоятда бой ва сермазмун. Сиз шахсан қайси соҳаларни устувор, деб ҳисоблайсиз?

— Ҳиндистон ва Ўзбекистон бутун тарих давомида бир-бири билан доимий ҳамкорлик қилиб келган энг қадим давлатлар сирасига киради. Бизнинг бй меросимиз ва яқин дўстлигимиз бугун икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик барпо этиш учун мустаҳкам пойдевор бўлди.

Албатта, савдо-иқтисодий алоқалар ва сарможий фаолиятни кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда йиллик ўзаро савдо ҳажми 355 миллион долларни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткични мамлакатларимиз 1 миллиард долларга етказиш ниятида. Биз экспорт ва импорт хилма-хиллигини диверсификация

қилишимиз, икки томон корхоналари вакиллари ва инвесторлари бир-бирларининг бозорларини янада чуқурроқ ўрганишини ташкил этишимиз керак.

Дори-дармон маҳсулотлари, тиббиёт асбоб-ускуналари, шунингдек, бўғдой, ун, гўруч, чой, автоуловларнинг эҳтиёт қисмлари ва маший электроника каби товарлар — бу Ҳиндистоннинг ўзбек бозорига харидор топган кучли томонларидир. Албатта, бу йўналишдаги ишларни янада кўпайтириш мумкин.

COVID-19 даврида пандемияга қарши курашиш учун Ҳиндистондан дори-дармон олиб келиш ҳажми ошди. Ўзбекистондаги соғлом иқтисодий ўсиш сўрватлари шароитида Ҳиндистон компаниялари учун инфра-тузилма, қурилиш, автомобиль саноати, ахборот технологиялари ва бошқа соҳаларда кенг имкониятлар очилмоқда. Ҳиндистон ва Ўзбекистоннинг кучли томонларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари жуда яхши савдо-сотик салоҳиятига эга. Ҳиндистон Ўзбекистон қовун ва лимон маҳсулотлари учун ўз эшиklarини очгани ҳақидаги хушхабар ҳам ўқувчиларингизни мамнун қилади, деб ўйлайман. Ўзбекистон ҳукумати, ўз навбатида, Ҳиндистондан манго ва банан олиб киришга рухсат берди. Бошқа турдаги мева-сабзавотларни импорт ва экспорт қилиш имкониятлари ҳам кўриб чиқилмоқда. Яқин йилларда ўзаро савдо ҳажми янада тез сўрватлар билан ўсишига ишончим комил.

— Ҳиндистон қатор муҳим соҳалар, хусусан, таълим, ахборот-коммуникация технологиялари, тиббиёт ва фармацевтика тармоқларида анъанавий тарзда етакчи мавқега эга. Мамлакатларимиз ўртасида ушбу йўналишлардаги ҳамкорлик истикболларини қандай баҳолайсиз?

— Ҳиндистон ҳам, Ўзбекистон ҳам икки томонлама савдо-сотик ва сарможий ҳамкорлик ривож топиш учун қулай шартлоллар яратишга ҳаракат қилмоқда.

Икки мамлакат раҳбарлари ўз ҳукуматларига ишбилармон доиралар вакилларига ҳар томонлама кўмак бериш бўйича аниқ кўрсатмалар берган. Муҳим соҳаларга ўтишдан олдин давлат даражасида амалга оширилаётган ишларга тўхталмоқчиман. Бугун Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўзаро сарможий битим имзолаш бўйича музокаралар олиб бормоқда. Икки мамлакат ҳам имтиёзли савдо битимини тузиш

имкониятларини ўрганиш истагини билдирган. Бунинг учун биргаликда техник-иқтисодий асослар тадқиқ қилинди. Ҳиндистон ҳукумати ижтимоий-иқтисодий тараққиёт соҳасидаги ҳамкорлигимизни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистонга 1 миллиард доллар миқдорида имтиёзли кредит линиясини ажратганини маълум қилди. Томонлар ўртасида мазкур кредит линияси доирасида амалга оширилиши мумкин бўлган қатор лойиҳалар белгилаб олинди. Мактаб ва олий таълим муассасаларида ахборот технологиялари жорий қилиниши ушбу лойиҳалардан биридир.

Ўзбекистон электрон ҳукуматни ривожлантириш ва иқтисодий фаолиятнинг турли жаҳҳаларида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишга қатта эътибор қаратмоқда. Мазкур йўналишда қатта тажрибага эга Ҳиндистон Ўзбекистонга бу борада кучли ва ишончли ҳамкор бўлиши мумкин. Ҳиндистон ўзининг 1,3 миллиард аҳолиси учун мамлакат ичидаги электрон платформада турли давлат дастурларини татқим қилмоқда. Мамлакатимизнинг дунёга машҳур етакчи компаниялари билан ахборот технологиялари соҳасида йирик лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширдик.

Мамлакатларимиз савдо-саноат палаталари ҳам самарали ҳамкорликни йўлга қўйган. Ҳиндистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон миллий савдо-саноат палаталари вакилларининг учрашуви натижасида жорий йил 6 февраль куни Деҳли шаҳрида ташкил этилган Ҳиндистон ва Марказий Осиё ишбилармонлар кенгаши ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган муҳим платформалардан бирига айланди. Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Ҳиндистон савдо-саноат палаталари федерацияси (FICC) билан мамлакатларимиз корхоналарининг икки томонлама ва минтақавий ҳамкорлигини янада жонлантириш йўлида биргаликда иш олиб бормоқда.

Юқори малакали мутахассислар, хусусан, ахборот технологиялари соҳасидаги қадрларга бўлган талабнинг тобора ортиб бораётгани олий таълим тизимига муайян босим ўтказётгани сир эмас. Шу муносабат билан Ўзбекистон таълим соҳасига Ҳиндистоннинг қатор университетлари жалб қилинди. Бу ўзбек ёшларига тегишли билим ва кўникмалар олиш учун имкониятларни янада кенгайтирди ва мамлакатни ривожланган ахборот технологиялари соҳасига эга илгор давлатлар сафига олиб чиқишга туртки беради.

Ўзбекистонда Амיתי университети (Amity University) ва Шарда университети (Sharda University) каби ҳинд олий ўқув юртлари ўз филиалларини очган. Мамлакат ҳукумати билан ҳамкорликда Ташкентда Ўзбек–ҳинд тадбиркорликни ривожлантириш маркази ташкил этилди. Бу каби яна қатор кўша лойиҳалар амалга оширилиши қутлимоқда.

— Сизнингча, ҳинд бизнеси ўзбек истеъмолчисига яна нималарни таклиф қила олади ва, ўз навбатида, ҳиндистонлик истеъмолчи учун Ўзбекистонда нималар қизик?

— Юқорида айтганимдек, Ҳиндистонда ҳам, Ўзбекистонда ҳам бизнес учун қизиқши уйғотадиган қатор тармоқлар ва турли маҳсулотлар мавжуд. Фармацевтика, қишлоқ ҳўжалиги ва тўқимачилик маҳсулотлари, кимёвий моддалар, металл, механик ускуналар ва бошқа товарларга бўлган талабнинг мавжудлигига қарамай, давлатларимиз логистика билан боғлиқ жиддий муаммога дуч келган. Ҳозирги шароитда ўзаро савдо-сотик Ўрта ер денгизи ва Шимолий Европа портлари орқали денгиз йўли бўйлаб амалга оширилмоқда. Биз бу масофани анча қисқартиришимиз ва Эроннинг Қабаҳар порти орқали янада тежамкор савдо йўлини яратишимиз

мумкин. Бунинг натижасида Ҳиндистон, Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё бозорларининг ўзаро боғлиани имконияти вужудга келади.

Шунингдек, тез бузиладиган маҳсулотлар ва қимматбаҳо буюмлар савдосини йўлга қўйиш мақсадида Ҳиндистон ва Марказий Осиё ўртасида ҳаво йўлакларини очишни режалаштирганмиз. Бундай йўналишлар очилган заҳоти Ўзбекистоннинг дунёга машҳур қовунлари, лимонлари ва бошқа маҳсулотлари ҳиндларнинг дастурхонидан жой олади. Шунингдек, Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган кундалик эҳтиёт моллари ҳам Ўзбекистон бозорига ўрин эгаллаши мумкин. Дарҳақиқат, логистика Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги муҳокама учун муҳим соҳа ҳисобланади. 28 октябрь куни Ҳиндистон, Марказий Осиё давлатлари ва Афғонистон ташки ишлар вазирлари ҳам бу масалалар юзасидан фикр алмашди.

— Ўзбек ва ҳинд маданиятларининг қандай умумий жиҳатларига эътибор қаратишни истардингиз?

— Ўзбекистоннинг шонли маданияти, Самарқанд ва Бухоро каби тарихий шаҳарлари Ҳиндистонда жуда машҳур. Бу ерга илк бор келишимдан олдин урф-одатларимиз, маданиятларимиз, тилларимиз, умуман, Ҳиндистон ва Ўзбекистон халқлари ўртасида умумийлик қўплиги ҳақида кўп эшитганман. Айтишим кераки, ўртамаздаги ўхшашликни кўриб ҳайрон қолганим йўқ. Кўп асрлик ўзаро алоқалар бизни жуда яқинлаштирган, буни оддий мулоқот жараёнида ҳам сезиш мумкин.

Ўзбек ва ҳинд тилларида ишлатиладиган юзлаб умумий сўзлар мавжуд. Ҳинд фильмлари Ўзбекистонда ҳамиша машҳур бўлиб келган, Раж Капур ва Наргис каби ҳинд актёрларининг исмлари халқингизнинг тилидан тўшмайди. Авваллари ҳамкорликда фильмлар яратилган эди ва бу анъана аста-секин яна жонланмоқда. Ўтган ҳафта Ташкентда Лаъл Баҳадур Шастро номидаги Ҳиндистон маданияти маркази ташкил этилганининг 25 йиллигини нишонладик. Маданият марказида йога, ҳинд рақси, табла — мумтоз ҳинд сози ва ҳинд тили дарслари мунотазам олиб борилишини ўқувчиларингиз яхши билади. Ташкент давлат шарқшунослик университети, Самарқанд ва бошқа шаҳарлардаги қатор олий ўқув юртларида ҳинд тили ва Ҳиндистоннинг бошқа тиллари факультетлари очилган.

Ўзаро маданий алоқаларимизнинг бу қадар бой тарихи олдида ушбу ришталарни янада қучайтиришда бор куч-ғайратимни ишга солиш масъулиятини ҳис этаман. Келгуси ойларда, пандемия ҳолати яхшиланиши билан биз ҳинд маданияти, таомлари ва фильмлари фестивалларини ўтказишни режалаштирмоқдамиз. Яна қўшимча қилишим керакики, Ҳиндистон ҳукумати ўзбек ёшлари учун Ҳиндистон таълим муассасаларида турли соҳаларда, жумладан, ахборот технологиялари, менежмент, соғлиқни сақлаш, тиллар, муҳандислик, маданият каби йўналишларда ўқиш учун бепул стипендиялар тақдим этмоқда. Ҳиндистонга ташриф буюрадиган, юртимизнинг меҳмондўстлигини ҳис этиб, турли соҳаларда эришяётган ютуқларимизни ўз кўзлари билан кўрадиган ўзбек ёшлари сафи тобора кенгайишини сабрсизлик билан кутаман. Худди шундай, Ўзбекистонга келувчи ҳиндлар сонининг ошишини ҳам истайман, ўзаро сайёҳлар оқими янада кўпаяди, деган умиддаман.

Сиз ва ҳурматли ўқувчиларингиз билан суҳбатлашиш имконини тақдим қилганингиз учун ташаккур.

“Дунё” АА мухбири
Юлия АГАФОНОВА суҳбатлашди.

RUSEN ВЕБ-САҲИФАСИ: ЎЗБЕКИСТОНДА КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ РОЛИ ХАЛҚАРО КАСАБА УЮШМАЛАРИ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ СТАНДАРТЛАРИ БИЛАН ТАҚҚОСЛАГАНДА ҲАМ ЮҚОРИ ДАРАЖАГА КўТАРИЛГАН



Туркиянинг Россия ва МДҲни ўрганиш институти (RusEN) расмий веб-сайтида янги Ўзбекистонни шакллантиришда фаол иштирок этаётган касаба уюшмалари фаолияти тўғрисида таҳлилий мақола чоп этилди.

Унда таъкидланганидек, сўнгги йилларда Марказий Осиёда жадал ривожланган давлат — Ўзбекистон ҳақида гала кетганда, халқро ҳамжамият “янги Ўзбекистон” атамасини тобора кўпроқ ишлатмоқда. Бу Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакат ҳаётининг барча жаҳҳаларида амалга оширилган кенг қўламли ислохтлар билан боғлиқ.

Шу билан бирга, нашр нуқтаи назарига кўра, жорий йилнинг октябрь ойида Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига (ИҲҚ) сайланиши мамлакат обрўси юксалгани ва унда амалга оширилаётган демократлаштириш жараёнлари халқро миқёсда тан олинганининг ёркин тасдиғи бўлди. Шуниси эътиборга лойиқки, ИҲҚнинг янги сайланган аъзолари орасида Ўзбекистон энг кўп овоз олган мамлакат бўлди. Уни 169 давлат қўллаб-қувватлади.

Бугунги кунда мамлакатда 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мақсадларига эришиш учун барча чоралар қўрилмоқда, дейилади RusEn веб-сайтидаги мақолада.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ушбу жараёнларда фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистоннинг ХМТнинг “Мажбурий меҳнат тўғрисида”ги конвенцияси протоколига қўшилиши ҳам ижобий роль ўйнади.

Шу муносабат билан мақолада ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон касаба уюшмалари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида мисли қўрилмаган ҳуқуқ ва ваколатлар бергани, уларга давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган динамик ислохотлар, ўзгаришларни фаол қўллаб-қувватлаш ҳамда амалга оширишга ҳисса қўиш имкониятини тақдим этгани таъкидланган. Ниҳоят, мамлакат касаба уюшмаларининг роли ҳатто Халқро касаба уюшмалари конфедерацияси стандартлари билан таққослаганда ҳам энг юқори даражага кўтарилди. Шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда янги Ўзбекистонда ишчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг принципиал жиҳатдан янги шартномавий-ҳуқуқий механизми яратилган ва у фаол ишляпти, деб ёзади RusEN.

Хусусан, сўнгги амалиётга асосланиб, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ва мамлакат Иш берувчилар конфедерацияси билан 2020-2022 йиллар учун бош келишувни имзолади ҳамда ушбу ҳужжат кучга кирди. У шериклар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ҳамкорликни тартибга солади.

Тармок шартномалари қўламининг ўсиши, жамоавий шартномалар орқали ҳар бир ходим даромадининг кўпайиши ҳам

мамлакатимиздаги янгиланиш жараёнларида касаба уюшмаларининг фаол иштирокини кўрсатади. Хусусан, ҳодимларнинг ўртача даромади 1,5 миллиондан 5 миллион 100 минг сўмгача ошди.

Мақолада яна бир қатор фактлар келтирилган. Хусусан, касаба уюшма органларининг сайё-ҳаракатлари ва давлатимиз раҳбарининг қўллаб-қувватлаши натижасида 2016 йилдан 2020 йил 1 январьгача бўлган даврда иш ҳақи бўйича муддати ўтган қарздорлик 6 баробардан зиёд қисқартирилгани ва бугунги кунда улар амалда бекор қилингани қайд этилди. Хотин-қизларнинг касаба уюшмаларига қилинган муурожаатларида кўтарилган 90 фоиз муаммолар ҳал қилинган. Сўнгги йилларда касаба уюшмалари Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, шунингдек, маҳаллий ҳокимият органлари билан яқин ҳамкорликда мажбурий меҳнат, шу жумладан, болалар меҳнатига қарши курашда сезиларли ютуқларга эришди.

2020 йил пахта мавсуми давомида олиб борилган доимий мониторинг натижасида бюджет ташкилотлари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳодимлари, талабалар ва мактаб ўқувчиларини терим ишларига жалб этиш бартараф қилинди. Бу қатор халқро нодавлат ташкилотлар, шунингдек, ҳуқуқ ҳимоячилари томонидан юқори баҳоланмоқда.

“Дунё” АА,
Анқара

Таълим ва тараққиёт

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА УЙҒОНИШ ДАВРИНИНГ ДАСТУРИЛАМАЛИ



Алишер ҚОДИРОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
спикери ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Фармон лойиҳасининг тарихийлиги шундаки, унда биринчи марта таълим тизимига жамиятнинг ҳар бир аъзоси масъул экани, хусусан, ўқитувчи мақомини ошириш, унинг обрў-эътиборини тиклаш, таълим муассасаларидаги шарт-шароитларни яхшилаш ҳокимликлар зиммасидаги асосий вазифа сифатида белгилаб қўйилаётганидир.

Энг асосийси, фармон лойиҳаси соҳа вакилларининг тақлиф ва мулоҳазаларига қўра, тайёлангани бўлди. Хусусан, лойиҳа умумхалқ муҳокама-сига қўйилган кундан бошлаб 1400 нафарга яқин депутатлар мактабга таълим ва халқ таълими вакиллари билан учрашиб, уларнинг фикрларини ўрганди.

Масалан, умумтаълим мактабларида жорий қилинган “Тарбия” дарслигининг миллий ва умуминсоний қадриятларга таянган, илмий-иймонли, фидойи ёш авлодни тарбиялашдаги аҳамиятини назарда тутиб, ушбу дарсни психология, педагогика ва физиология билан бирга, диний ҳамда дунёвий билимларга эга бўлган тарбиячилар ўтиши мақсадаг мувофиқ.

Фармон лойиҳасида илм-фан соҳасини жадал ривожлантиришга доир энг оғирлиқ муаммолар ечими ҳам белгиланмоқда. Афсус билан айтиш мумкинки, яқин 20 йил мобайнида ўзбек тилининг технология тармақлари ва илм тили даражасига кўтарилиши учун етарлича ҳаракат қилимади. Бу соҳада Президентимиз томонидан имзоланган “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони тўб бурилиш ясади, дейиш мумкин. Шу маънода, ўзбек тилининг илм тили бўлиши учун қўллаб адабиётларни ўзбек тилига таржима қилиш кераклигини чуқурроқ англаб етгандимиз. Илм билан шуғулланиб, олимпикка даъво қилаётган шахслар шубҳасиз, хорижий тиллардаги илмий адабиётлардан кенг фойдаланипти. Хусусан, улардан хорижийнинг нуфузли журналларида мақолалар чиқариш талаб этилади. Ана шундай ёш олимпикларимиз ўзи фойдаланган битта хорижий тилдаги адабиётни ўзбек тилига таржима қилса илм-фаннинг ривожига, айниқса, ёш олимпикларнинг интеллектуал салоҳияти ошишига ҳисса қўшган бўлади.

Тилимизга муносабат, таълим тизимидаги инқилобий ўзгаришлар, соҳага ажратилаётган маблағлар миқдорининг йилдан-йилга оширилаётгани, мактабга таълимнинг эса том маънода тарбия ўчоғига

айланаётгани ҳам Ўзбекистонда ўзинчи уйғониш даври учун замин тайёрланаётганидан далолат берапти.

Тўғри, бу осон ва тез эгалланадиган марра эмас. Аммо кейинги тўрт йил ҳар қандай муаммони ҳал этиш, бирликда ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтиш мумкинлигини кўрсатди. Шу маънода ана шу давр Ўзбекистон тараққиётида янгиланиш ва ўзгаришлар даври сифатида тарихга муҳрланди. Халқимиз қисқа фурсатда иқтисодий, ижтимоий соҳаларда салмоқли натижаларга эришиш мумкинлигини ҳам исботлади.

Хусусан, қўшилларимиз билан қардошлик алоқалари тикланди. Дини, тили, аъёна ва урф-одатларига бери бўлган Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида қанчадан-қанча ижтимоий, иқтисодий муаммолар ечилмай қолаётган эди. Ўзбекистон

мамлакатлари ҳудудиде узоқ йиллар инсониятни маърифатга даъват этганини ҳам цивилизациявий ҳодиса деб аташди.

Аслини олганда бу илк давлатчиликнинг бошланиши, яъни уша давр учун илк цивилизациявий ҳодиса бўлган. Шу ўринда Зардуштийлик динининг мазмун-моҳиятини чуқур англаган халқ томонидан чин маърифат дини бўлган Ислонми қабул қилиш жараёни осон кечганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Яна бир фахрланадиган жиҳатимиз — ал-Хоразмийнинг ўнлик рақамини, хусусан, ноль рақамини яратгани бугунга келиб, инсоният ақлу идрокини ҳайратда қолдираётган кибернетика, космонавтика ва компьютер тизимига асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугун оддий телефоннинг биргина мураватини босиб, Ер шарининг ҳоҳлаган нуқтаси билан боғлана оламиз.

асабиятнинг қудрати даражасида бўлади. Асабия ҳусусида эса дунёда ҳеч бир миллат туркларга тенг келолмайди”.

Демак, бугун биз кураётган ҳуқуқий-демократик давлат, қонун устуворлиги, эркин фуқаролик жамиятининг илдишлари асли Амир Темур салтанатига бориб тақалади. Давлатимиз раҳбарининг жамиятда адолат ҳақида устувор бўлиши, қонун олдида барча тенглигини таъминлаш, шу асосда жамиятда ижтимоий адолат барқарор бўлиши борасидаги даъват ҳамда қаҳриқларни ҳам янги Ўзбекистонда Амир Темур давлатчилиги тажрибалари қайта тикланаётганидан далолат бермоқда.

Бир сўз билан айтганда, тамаддуний ҳодисалар ҳар қандай халқнинг ўзлигини англашдан бошланади. Қачонки миллат тарихий тараққиёти давомида ўз қадриятларини ривож-



Ҳамини йўлдошлар билан суҳбат.

Президентининг сиёсий иродаси билан 60 миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган минтақада яна дарвозалар очилди.

Янги Ўзбекистонда янгича қараш ва ёндашувлар асосида тилга бўлган муносабатда юзаки қарашлардан воз кеча бошлади. Инсон ҳуқуқи ва манфаати олий қадрият экани ҳақидаги таъминотлар фақат қозғаларда акс этишига чек қўйилди. Жамиятга сўз ва матбуот эркинлиги кафолатланди. Урф-одат ва аъёналар ҳамда унутилаётган қадриятларга фақат мерос сифатида эмас, балки тараққиётимизнинг маънавий устунлари сифатида қарай бошладик.

Бугунги ҳаётимиз айна ана шу жиҳатлари билан ҳам бизни тарих ва мангулик билан уйғунлашган жараёнлар иштирокчисига айлантирапти, десак хато бўлмайди. Шунинг учун ҳам тўб ўзгаришларнинг тараққиёт жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ эканини қанча тез уйдalasак, ҳар томонлама ривожланган давлатни фарзандларимизга мерос қолдириш масъулиятини шунча тез англай бошлаймиз.

Сир эмаски, ўзбек халқи дунё тан олган икки Ренессанс ҳодисасини бошдан кечирган. Айрим манбаларда Мовароуннаҳр — Турон — Туркистон — Ўзбекистон уч марта цивилизация ҳодисасини бошдан кечиргани таъкидланади. Тақлиқчилар дунёвий динлардан бири бўлган Зардуштийлик динининг дунёга келишини ва Осиё, Африка

Ана шу ақлга сизмас мўъжиза замирида эса ал-Хоразмий кашф этган Алгоритм муҳассамдир.

Яна бир буюк аллома — Абу Райҳон Беруний эса қўлбола асбоб-ускунаси билан Ер шарининг думалоқ эканини исбот қилган. Яъни, у ер айланаси ва радиуси узунлигининг аниқ ҳисоб-китобини чиқарган. Ер шарини харитасини тузиб, глобусни яратган. Ернинг нариги тарафида қуруқлик борлигини исбот қилиб, Ер ўз ўқи ва қуёш атрофида айланиши назариясини яратган.

Халқимиз тарихидаги иккинчи цивилизация ҳодисаси бу — XIV-XVIII асрлардаги соҳибқирон Амир Темур ва теурийлар номи билан боғлиқ. Тарихнинг гувоҳлик беришича, ушбу даврда давлатчилик, давлат бошқаруви, фан, маданият, адабиёт ва санъат, ижтимоий ҳаёт даражаси мисли кўрилмаган даражада ривожланган. Биргина Соҳибқироннинг давлат бошқаруви дунё давлатчилигининг эталони мақомини олган. Улуғ араб олими Ибн Халдун жаҳон давлатчилиги ҳақида шундай дейди: “Темур даври башариёт тарихи инкишофининг энг юксак нуқтасидир. Дунё яратилганидан бери бундай бир давлат қурилмагандир. Бобил ва Эрон ҳукмдорлари ва Искандар бу буюк турк ҳукмдорига нисбатан қўллага бўлиб қолади. Зеро, давлат асабия руҳи устига қурилади ва унинг аҳамияти ҳам шу миллий

лантириш йўлидан изчил борса, Ренессанс ҳодисаси юз беради.

Янги Ўзбекистон эса айнан ана шу йўлдан бормоқда. Қадриятлар тикланипти, илм-фанга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиляпти. Мана тўрт йилдики, маънавиятсиз, тарбия ва замонвий таълимсиз бир қадам ҳам олдинга юриб бўлмаслиги таъкидланяпти.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, Ўзбекистон узоқ давом этадиган ва ниҳоятда мураккаб жараёнга жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновацияни ривожлантириш орқали кириб бормоқда. Бунини Президентимизнинг жорий йил 29 октябрда имзолаган, илм-фан соҳасида янги саҳифа очадиган “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу эса жамиятдаги барча ўзгаришлар муваффиқ ҳисобланган инсон учун фикр ва ижод эркинлиги, қўлай меҳнат ва турмуш шароити яратиш борасида тизимий ишлар олиб борилаётганидан далолатдир.

Тарихдан маълумки, нияти улуг бўлган ҳар қандай халқнинг орзу истаклари доимо ушлаган.

Зеро, эзгу ниятлар ҳақида гап борганида Имом Бухорий ҳазратларининг “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” асари “Барча эзгу амаллар ниятга боғлиқ, ҳар бир кишига фақат ният қилган нарсаси берилади” деган ҳадис билан бошланган бўлган яна бир бор эспаш ўринлидек туюлади.

Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади



ЖАМИЯТДА МАҚОМИ ЮКСАЛГАН ЎҚИТУВЧИ ТАЪЛИМДА СИФАТ ОМИЛИ БЎЛАДИ

Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

Президентимиз раислигида мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалалари муҳокамаи бўйича бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида илгари сурилган эзгу ғоялар ва ташаббуслар жамоатчилигимиз ўртасида қизгин муҳокама қилинмоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, бугун таълим тизимига қаратилаётган бундай юксак эътибор эртанги тараққиётни белгилловчи муҳим омилдир.

Видеоселектор йиғилишида мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш, жамиятимизда ўқитувчиларнинг мақомини ошириш борасида ўз ечимини қутаётган долзарб муаммолар атрофича таҳлил этилди ва тегишли вазифалар белгила берилди.

Ўз навбатида, парламент вакиллари, шунингдек, жойлардаги маҳаллий Кенгашлар депутатларига таълим тизимидagi ўзгаришларни халқимизга етказиб, дахлдорлик ҳиссини ошириш, тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини назоратга олиш, ўз тажрибалари билан амалий ёрдам бериш топширилди. Албатта, биз, депутатларга билдирилган бу юксак ишонч ҳар биримизнинг зиммамизга катта масъулият юкляди.

Айтиш керакики, мактабда таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини оширишда бошқа қўллаб муҳим масалалар қаторида ўқитувчиларнинг ҳуқуқи ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Яқинда қабул қилинган “**Таълим тўғрисида**”ги қонунда бу масалага алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, унинг 5-бобида педагог ҳодимларининг ҳуқуқий мақоми баён этилган. Жумладан, педагог ҳодимларнинг мақоми жамият ва давлат томонидан тан олинishi белгиланган. Шунингдек, таълим ташкилотлари педагог ҳодимларининг ҳуқуқлари, шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўси давлат ҳимоясида бўлади.

Таълим ташкилотлари педагог ҳодимларининг касбий фаолиятига аралашшига, таълим олувчиларнинг билимларини тўғри ва ҳолис баҳолашга таъсир кўрсатишга, хизмат мажбуриятларини бажаришга тўсқинлик қилишга йўл қўйилмайди.

Шу билан бирга, ўқитувчиларнинг касбий фаолиятини амалга ошириш учун уларга зарур шарт-шароитлар яратилишини талаб қилиши, ўқув, илмий ва услубий йўналишлардаги ахборот-ресурс марказларининг хизматларидан бепул фойдаланиши, ўз касбий фаолиятига аралашувдан ҳимояланиши, давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида бепул тиббий қўриқдан ўтиши (давлат таълим муассасалари ва ташкилотлари учун) каби муҳим ҳуқуқлар ва манфаатлари мустаҳкамланган.

Яна бир муҳим масала, педагог ҳодимларни уларнинг лавозим мажбуриятлари билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай бошқа ишга жалб қилиш тақиқланиши кўрсатилган. Афсуски, ўтган йилларда бу масалаларга етарли даражада эътибор қаратилмагани натижасида ўқитувчиларнинг ўз соҳасидан бошқа ишларга жалб қилиниши таълим сифатига ҳам, ўқитувчи мавқеига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Боз устига, фарзандининг арзиманган шикоятини учун баъзи ота-оналар мактабга югуриб келиб ўқитувчини ҳақ-ноҳақ айбаш ҳолатлари кўпайди. Ўқитувчилик фаолиятим давомида ўзим ҳам бундай ҳолатларга бир неча бора

гувоҳ бўлганман. Ахир ота-онанинг мақсади билан ўқитувчининг мақсади бирку. У ҳам бўлса, фарзандларимизга пухта билим, чиройли тарбия бериш.

Бир вақтлар қишлоқдаги энг обрўли инсон муаллим бўлган. Қишлоқдаги бирор бир муаммо ёки масаладаги масалалар ўқитувчидан сўралган.

Айтишларича, бир инсоннинг фарзанди хасталаниб, табиб ширинлик ейиш мумкин эмаслигидан огоҳлантирибди. Ота-онаси ҳар кунини неча марта табиб ширинлик емагин деб тайинлашмасин, болага бу сира қор қилмабди. Шунда ота уни мадрасада ёшларга сабоқ бериш учун олдига бошлаб борибди.

— Сиз ёшларга сабоқ берасиз, маҳалламизда обрўинингиз бандан, ўғлимга ҳам насиҳат қилсангиз, — дебди. Устоз икки ҳафтадан кейин келишни тайинлабди. Белгиланган муддат ўтибди. Ота ўғлини устозга рўйна қилибди. Устоз болани олдига чорлаб, “ўғлим, бундан кейин ширинлик еман”, дея таъкидлабди. Ота “ўғлимга насиҳат қиласиз, деб ўйлагандим, сиз эса бир оғиз гап билан қифояландингиз”, дея ранжигандек бўлибди. “Мен ўғлингизга шу гапни айтиш учун икки ҳафта ширинлик емадим, иншооллох, ўғлингиз сўзимга қўлоқ солади”, дебди устоз. Бола ростдан ҳам ширинлик ейишни ташлаб, хасталикдан фориг бўлибди.

Қонунда педагог ҳодимларнинг мажбуриятлари ҳақида ҳам нормалар белгиланган. Унга қўра, ўқитувчилар, таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг шаъни, қадриқиммати ва ишчанлик обрўсини ҳурмат қилиши, ўқув машғулотларини сифатли ўтказиши, ахборот-коммуникация технологияларидан, ўқитиш ва тарбиянинг илгор ҳақида инновацион шакллари ва усулларидан фойдаланиши, таълим ташкилотининг уставага ва (ёки) бошқа таъсис ҳужжатларига, ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя этиши, ўз малакасини мунтазам равишда ошириб бориши, эгаллаб турган лавозимига мувофиқлик жиҳатидан даврий аттестациядан ўтиши шарт. Педагог ҳодимларга педагогик фаолиятини амалга оширишда ахлоқ ва этика нормаларига зид ҳаракатлар содир этиш тақиқланади.

Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш мақсадида яна бир муҳим ҳужжат — Президентимизнинг “Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони лойиҳаси шу кунларда қизгин муҳокама қилинмоқда.

Унда таълимдаги ҳозирги муаммоларни ҳал қиладиган, яқин беш йилда натижасини кўрсатадиган ва кейинги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган мақсадлар қамраб олинган. Жумладан, жамиятда муаллимнинг обрў-эътибори ва мақомини кўтариш, ўқув дастурлари, методикасини тўлиқ қайта қўриб чиқиш, мактабни таълимнинг кейинги босқичлари билан узвий боғлаш, ўқитувчиларни ортиқча қозғозбозликдан ҳалос этиб, ўз устида кўпроқ ишлаши учун шароит яратиш ва рағбатлантириш, мактаб инфратузилмаси, ундаги маънавий муҳитни яхшилаш каби масалаларнинг ечимлари аниқ белгилаб берилмоқда.

Энг асосийси, жойлардаги раҳбарларнинг, шунингдек, маҳаллий Кенгашларнинг ушбу муҳим масалага ёндашуви ва эътиборини тубдан ўзгартириш, уларнинг масъулияти, жавабгарлиги ҳамда ҳисобдорлиги механизмига киритилмоқда.

Эндиликда бундай муҳим ҳужжатларда белгиланган вазифалар ҳаётга тўла татбиқ этилиши олдимизга қўйган эзгу мақсадларимизга эришишда муҳим дастуриламал бўлади. Шу боис, бу борадаги ишларга муносиб улуш қўиш, жамиятдаги ислохот ва ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси билан янаша ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Мангуликка дахлдор

ИНСОН АЗИЗ, ХОТИРА МУҚАДДАС

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ватанимиз истиқлоли, халқимиз озодлиги, келажак авлодларнинг фаровон эртаси йўлида жонини фидо қилган миллат фидойилари — қатагон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш борасида юртимизда қатор эзгу ишлар амалга ошириляпти. Уларнинг рамзий сиймолари яратилаётгани, музейлар барпо этилаётгани, қолаверса, ижод мактаблари ташкил этилаётгани фикримиз далилидир.

Бу ишларнинг нечоғлиқ аҳамиятли эканини эса давлатимиз раҳбари жорий йил 31 август Қатагон қурбонларини ёд этиш кунига “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуъасига қилган ташрифи чоғида жуда чуқур асослаб берди. Шунингдек, Президентимизнинг 2020 йил 8 октябрь кунини “Қатагон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойишида бу борада эндиликда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар аниқ белгилаб берилди.

Фармойишда назарда тутилган

чора-тадбирлар ижросини ўз вақтида таъминлаш юзасидан республика ишчи гуруҳи ва унинг иш режаси ишлаб чиқилиб, қатагон қурбонларини номма-ном аниқлаш мақсадида ҳудудларда ҳам илмий ишчи гуруҳлар тузилган эди. Уларга 200 дан ортиқ тарихчи мутахассислар, мутасадди ташкилотларнинг жойлардаги вакиллари, шунингдек, туман ва шаҳарлардаги Нурунийлар жамоатчилик кенгашларининг, маҳаллалардаги “Кексалар маслаҳати” гуруҳининг 10 мингга яқин аъзоси бириктирилди. Бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш мақсадида “Қатагон

қурбонлари хотираси” музейи ҳамда ҳудудларда олий таълим муассасалари тузилмасидаги музейлар илмий ҳодимларига вазирлик ва идоралар архивларидан фойдаланиш имконияти яратилди. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида 2500 мингга яқин қатагон қурбонлари номи аниқланди. Уша даврда жабр кўрган чет элдаги ватандошларимиз билан боғлиқ манбаларни топиб, ўрганиш мақсадида хорижий давлатлардаги архив, музей, кутубхона ва бошқа илмий-маърифий муассасалар билан ҳамкорлик ўрнатиш борасида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бўлиб ўтган йиғилишда фармойиш асосида тасдиқланган “Йўл харитаси”да кўрсатилган ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш масалалари кўриб чиқилди. Айниқса, олий таълим, халқ таълими тизимига бу борада жиддий амалий ишлар олиб борилиши, умумтаълим мактабларида қатагон қурбонларига бағишланган хотира бурчаклари таш-

кил этилиши, уларнинг қандай даврийлик асосида бўлиши юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Тадбирда, шунингдек, ташкилий-амалий тадбирларнинг ижроси, жойлардаги илмий-ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириш, қатагон қурбонлари ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишлари, уларнинг ибратли фаолиятини тарғиб этиш каби йўналишлар бўйича масъулларнинг ҳисоботлари тингиланиб, қизгин муҳокама этилди. Ҳудудлардаги илмий ишчи гуруҳлар раҳбарларининг ҳам ахборотлари, фикр-мулоҳазалари эшитилди.

Йиғилишда Президент фармойишда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар, бу бўйича кенг жамоатчилик фикрини ўрганиш, ишчи гуруҳлар фаолиятига қўмақлаштириш, “Инсон азиз — хотира муқаддас” ғояси асосида туманлар ва шаҳарларда, маҳаллаларда мустақиллик ва адолат тантанаси учун курашган фидойи ота-боболаримизнинг ибратли ҳаётини тарғиб этиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Халқ қабулхоналари

МУАММОГА ЕЧИМ, ДАРДГА МАЛҲАМ ТОПАДИГАН МАСКАН

**Зулфия МҶМИНОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира**

“Йиғлаб бориб, кулиб қайтар жой”. Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Халқ қабулхонасини ғиждувонликлар шундай атамokban. Бу халқона номга эга бўлиш ўз-ўзидан кечган эмас.

Халқ қабулхонаси — инсон ночор қолганда, тақдир зарбаларига учраганида, ҳеч кимга айтолмаган дардини айтиб, йиғлаб борган манзилдан кулиб қайтган даргоҳ.

Халқ қабулхонаси — борганингда сени илиқ кутиб оладиган, муаммоларингни тинглаб, ўша вақтнинг ўзидеёқ сунъичқ бўлиб, то муаммо бартарарф этилгунча сенинг ёнингдан кетмайдиган идора.

Халқ қабулхонаси — энг яқин одамларингга айтолмаган сирингга сирдош, дардингга дарддош. Сирингни сотмайдиган, ҳасратингни бўлишадиган, изтироқларингни соатлаб тинглайдиган, мурожаатингни ерда қолдирмайдиган, алал-оқибат, дардингга давои малҳам топадиган маскан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ғиждувон тумани Халқ қабулхонасига 2018-2020 йиллар давомида 5137 та мурожаат бўлган. Жорий йилнинг 8 ойида туман ҳудудида яшовчи жисмоний ва юридик шахслардан эса жами 1359 та муаммоли масала келиб тушган. Мазкур мурожаатларнинг 1100 таси кўриб чиқиш ва қонуний ечимини топиш учун туман ҳудудидаги ташкилотларга, 172 таси вилоят ва республика миқёсидаги ташкилотларга юборилди. 87 та мурожаат бевосита Халқ қабулхонасининг ўзидеа кўриб чиқилди. Халқ қабулхонасига келиб тушган жами мурожаатнинг 749 таси, яъни 65,5 фоизи қаноатлан-тирилди, 51,2 фоизи бўйича муаммолар ижобий ҳал этилган, 44,4 фоиз мурожаат юзасидан ҳуқуқий маслаҳат ва маълумот бериш орқали қаноатлан-тирилган.

32 таси, яъни 4,2 фоизи узок муддатга назоратга олинган, 363 мурожаатчига қонуний тартибда ҳуқуқий тушунтиришлар берилган. 30 таси рад этилган ва биттиси тугатилган. Шунингдек, Ғиждувон тумани Халқ қабулхонаси томонидан карантин даврида Президентнинг виртуал қабулхонасига мурожаат қилган оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, кам таъминланган аҳоли хонадонлари, жойлардаги санитария ва Халқ қабулхонаси, тиббиёт

ҳодимлари, сектор раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғини ҳодимлари билан бир-галикда бепул тиббий ниқоблар, антисептик воситалар, дори-дармонлар яшаш хонадонларига етказиб берилди.

Бевосита Ғиждувон тумани Халқ қабулхонасига карантин билан боғлиқ масалаларда келиб тушган 300 дан зиёд мурожаат туман Ҳомийлик хайриялари-ни мувофиқлаштириш маркази, “Саховат ва кўмак” марказлари ҳамда тегишли идораларга тақдим этилиб, улардан 260 таси қаноатлантирилди ва ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, 2017-2020 йиллар давомида ижтимоий кўмакка муҳтож, ногиронлиги бўлган ва уй-жой билан таъминланмаган 18 та оиланинг пандемия давридаги аҳоли ўрганилиб, рўйхатлари шакллантирилиб, хар бири билан суҳбатлашилди. Бундан ташқари, ижтимоий химояга муҳтож, кам таъминланган оилалар карантин даврида туманда ташкил этилган Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказидан озиқ-овқат билан таъминланиб, ишсиз фуқаролар ишга жойлаштирилди.

Томорқа ер эгаларига томорқадан унумли фойдаланиш йўллари тушунтирилиб, айримларининг ерлари экин экишга тайёрлаб берилди. 1-сектор раҳбари, туман ҳокими ташаббуси билан энг чекка ҳудуд бўлган “Зарафшон” маҳалласида яшовчи 12 хотин-қизга тикув машиналари ажратилди. Биз ижобий ҳал этилган мурожаатларнинг айримлари билан жойларга бориб танишдик. Туманнинг “Кўшк” маҳалласи Наймано-бод кўчасида яшовчи ногирон Эркин Эргашов ва Дилфуза Эргашованинг хо-надонидами.

— Уч фарзандимиз бор. Турмуш ўртоғим ногиронлиги туфайли уйимизнинг томини шифер қилишга кўлимиз калта-лик қилди. Хар йили ёнгарчилик кунлар бошланишини юрак ҳовучлаб кутадиган бўлдик. Изгиринли, аёзлик кунларда-ку, аҳолимиз танг бўларди. Биз туманими-зда Халқ қабулхонаси иш бошлаганини, у ерда ўринли мурожаатлар ҳокимлик



томонидан инобатга олиниб, ёрдам кўрсатилётганини эшитдик. Халқ қабулхонасига эса минг бир хижолат чекиб бордик. Чунки авваллари турли идораларга қилган мурожаатимизга рад жавоб олиб, юрагимиз безиллаб қолган эди-да. Бизни Халқ қабулхонаси раҳбари Усмон Ҳалимов тавсияси билан туманимиз ҳокими қабул қилди. Ўша кун ҳокимликдан уйимизга келиб, ҳақиқий аҳолини ўрганиб кетишди. Уйимиз томлари шифер қилинди. Нафақат уйимиз томи, балки ичкаридан шифтимиз ҳам қамишлари осилиб, ёнгарчилик ёки шамолда устимизга тупроқ шов этиб тўкилар эди. Аризамизда бу ҳақда ёзмаган бўлсак-да, ёзги айвонимизни ҳам кўшиб оқлаб, ранглаб, чиройли ва чидамли қурилиш моллари билан таъмирлаб кетишди. Халқ қабулхонасининг аралашуви билан мен тумандаги “Очилбекжон” фермер хўжалигига, турмуш ўртоғим эса туман ободонлаштириш корхонасига йшга жойлашдик. Битта мурожаат билан ҳаётимиз бутунлай яхши томонга ўзгарди, — деди мамнуният билан Дилфуза Эргашова.

— Бештуту кишлоғимиз аҳолисини йиллар давомида қийнаб келаётган электр қучланишининг пассив кетанлиги, трансформатор эскиргани, энг зарур пайтда электр ўчиб қолаётгани ҳақида шикоят билан туман Халқ қабулхонасига мурожаат қилдик. Бир ҳафтага қолмасдан “Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти ҳодимлари келиб ҳолатни ўрганди. “Ғиждувон” подстанциясининг 69-трансформатор пунктига қўшимча

63 киловаттли трансформатор ва уч донга темир-бетон таянч ўрнатилиб, 400 метр узунликда симлар тортиш ишлари бажарилди. — дейди шу кишлоқда яшовчи Бекназар Дўдиков.

Ғиждувон тумани Тўқол кишлоғида яшовчи иккинчи гуруҳ ногирони Шахноза Қўлдошева Халқ қабулхонасига уй-жойини таъмирлаш учун қурилиш моллари олиб беришни сўраб мурожаат қилган, уни туман ҳокими қабул қилгани ва 4 кун ичида мурожаати ижобий ҳал бўлганини хурсандчилик билан айтиб берди.

Жорий йилнинг 8 ойида 1148 нафар ишсиз ёшнинг бандлиги таъминланганига ўзимиз гувоҳ бўлдик.

Сафаримиз давомида карантин даврида туманда янги ташкил этилиб, 50 нафар ишсиз, эҳтиёжманд хотин-қизнинг бандлигини таъминлаган “Xojai Jahoh- Green Star” ишлаб чиқариш кооперативи фаолияти билан танишишга бордик. Илгари ўрта махсус касб-хунар коллежи жойлашган бинонинг биринчи қаватида иш бошлаган кооперативнинг тикув-бичув ва дамзоллаш хоналарини, шинам ошхонасини кўриб дилимиз яйради.

50 нафар чевар қиз ишлаётган тикув хонасига кириб, карантин ҳолатига мослаштирилган тикув машиналари ёнида бир-бирдан гузал қизларнинг чақонлиги билан ишлаётганини кўриб, кайфиятимиз кўтарилиб кетди. Менга кўзлари тушган эса бирров ишларига дам берди. Ҳозир мenden шешъ сурашса керак, деб турсам, уларнинг ўзлари менинг шеърларимни айта бошлади. Шоир учун бундан ортик

Ғиждувон тумани Халқ қабулхонасига карантин билан боғлиқ масалаларда келиб тушган

300 дан зиёд мурожаат туман Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш маркази, “Саховат ва кўмак” марказлари ҳамда тегишли идораларга тақдим этилиб,

улардан 260 таси қаноатлантирилди ва ёрдам кўрсатилди.

бахт йўқ, албатта. Қизлар, асосан, Ғиждувон туманининг “Чўғалон”, “Армечан”, “Урганж”, “Янги Арабхона”, “Тодон” маҳаллаларида истиқомат қилар экан. Бу қизлар билан суҳбатлашар эканмиз, гузал орзулар билан яшаётган инсонлар нақадар бахтли эканини яна бир бор ҳис этдик.

Ўз уйингда деворлар ҳам кўллайди

Тумандаги “Амиробод” маҳалласида муаммолар гўёки ҳал этиб бўлмасдек туюларди. Бироқ Халқ қабулхонаси томонидан ташкил этилган сайёр қабуллар жараёнида барча муаммолар ўрганилиб, ҳал қилиш чоралари кўрилди.

“Обод кишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг келишилган ҳолда олиб борилиши натижасида Амиробод кишлоғи ҳам дастурга киритилди. Кишлоқда 125 ўринли янги мактабгача таълим ташкилоти, 32-умумтаълим мактабининг 210 ўринли ўкув биноси, 64-кишлоқ оилавий поликлиникаси қурилиб, фойдаланишга топширилгани аҳоли турмуш даражасини яхшилаш йўлидаги эзгу максадлар доирасидаги вазифалар эди.

Дастур доирасида 11 км. ички йўллар тuzатилиб, 19,2 км. ичимлик сув тармоғи тортилди. Қишлоқда янги 3 та трансформатор ўрнатилиб, электр тармоқлари яхшиланди ҳамда кўчалардаги қийшайиб, аҳоли ҳаётига ҳафиз солиб турган симёочлар ўрнига темир бетонлилари ўрнатилди. Турфа гуллар билан ўралган Амиробод кишлоғи кўркам ва обод масканга айланди.

Туман марказидаги “Кўрғон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Бозори қай-

моқфурушон масжиди йиллар давомида эътиборсизлик оқибатида ташландиқ ҳолга келиб қолгани сабаб, аҳолидан тушган мурожаат бўйича таъмирлаш бошлаб юборилди.

Қабристон муқаддас қадамжо ҳисобланади. Афсуски, тумандаги Жиндакон ва Лабирўт қишлоғида жойлашган Хўжа Машҳад қабристонидеа куз-қиш мавсумидаги ёнгарчилик сабабли ер ости сизот сувлари кўтарилиши натижасида қабр қазиб, майит қўйиш ва қишлоқ ерларини суғоришда аҳоли учун қийинчиликлар бўлаётган эди. Йиллар давомида аҳолининг ўринли эътирозига сабаб бўлаётган ушбу муаммо Халқ қабулхонаси томонидеа аҳоли ва туман ҳокими учрашувида очикланди. Мазкур муаммони бартарарф этиш учун сизот сувларни пасайтирадиган тик қудуқ қазилди. Натижада қабристон рисоладагидек қадамжога айланди. Аҳоли қудуқ сувидан томорқалари учун унумли фойдаланмоқда. Шунинг баробарида “Лабирўт” маҳалла фуқаролар йиғинидаги Маҳаллакунжақ қишлоғи аҳолисининг электр билан боғлиқ муаммоси ҳам жойида бартарарф этилди.

Ғиждувон туманининг энг олис ҳудуди — “Кўкча” маҳалла фуқаролар йиғинидаги Оғитма овули туман марказидан 170 км. узокликда жойлашган. Йиллар давомида овул фуқаролари мактабгача таълим муассасасига эҳтиёж борлиги ҳақида тегишли ташкилотларга аризалар бериб, рад жавобини олиб келган. Овулда яшовчи фуқаро Айну-р Бердиеваннинг уй боғчасини ташкил этиш ҳақидаги мурожаати Халқ қабулхонаси томонидан кўриб чиқилиб, ижобий ҳал қилинди.

Ҳа, шундай, ғиждувонликлар туғма табиркор халқ. Бу туманда ҳеч ким бекорчи бўлиб, ишсиз қолмайди. Ҳаёт қийинчиликлари ҳамма жойда ҳам бўлади. Гоҳ улар ўз изтиробларини бошқаларга айтишга истихола қилади, тортинад.

Аммо муаммо катталашиб кетгандан кейин борадиган жой бўлиши керак. Ўша жой бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг жойлардаги Халқ қабулхоналаридир. Мана, турт йилдирки, ғиждувонликларнинг бирор муаммоси ечимлай қолган эмас.

Мактабгача таълим муассасасидан тортиб, олий таълим тўлов контрактларига-ча, ишсизлигидан “темир дастар” та-ча, моддий ёрдамдан психологик ёрдамгача, масжидни қайта қуришдан қабристон таъмиригача, қўлтиктаёқ, ногиронлик арава-сидан то уй-жой муаммосигача шу ерда ҳал бўлмоқда. Чунки бу жой Халқ қабулхонаси. Чунки бу жой йиғлаб келиб, кулиб қайтадиган жой.

Тараққиёт манзили



**Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**

Пойтахтимизнинг Мирзо Улўғбек туманидаги Дастурий махсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (IT парк) замонавий техник инфратузилма, молиявий ва илмий ёрдамдан фойдаланиш мумкин бўлган макон сифатида барпо этилган.

Парқда ахборот, молия технологиялари, логистика, электрон тижорат, электрон таълим ва бошқа йўналишлардаги лойиҳалар муваффақиятли амалга ошириб келинмоқда.

Айни кунларда бу ерда мамлакат ахборот технологиялари соҳасининг марказига айланиши кутилаётган янги IT шаҳар мажмуаси қуриляпти. IT паркининг дастлабки иккита биноси фойдаланишга топширилган. Уларда замонавий қулайликлар яратилиб, истиқболли стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича инкубация ва акселерация дастурлари ташкил этилган. Шаҳарча қурилиши 2022 йилда якунланиши режалаштирилган. Бу ерда босқичма-босқич ун еттига иморат, жумладан, йигирма-йигирма беш қаватли офис бинолари, йигирма икки қаватли меҳмонхона, университет, конференция зали, коворкинг маркази ва бошқа объектлар барпо этилади. Жумладан, “Алоқабанк”, “Ўзбектелеком”, Ucell, Дастурий махсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резиденти — Revotech офиси жойлашади. Иншоотлар тўққиз баллдан юқори зилзилага чидамли бўлади. Ер остида уч қаватли автотурагоҳ қурилади. Мажмуа ҳудудида кафе ва ресторан, дўкон, спорт майдонлари, дам олиш жойлари ҳам бўлади.

— Бу саяй-ҳаракатларнинг барчаси ягона ахборот технологиялари жамиятини барпо этиш, истеъдодли

ёшларни жамлаш, уларга имконият бериш, инновацияларни жорий этиш мақсадида қилинмоқда, — дейди Дастурий махсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси раҳбари Фарҳод Иброҳимов. — Мамлакатимизда бундай марказлар фаолияти йўлга қўйилаётгани бежиз эмас. Бу ҳар бир киши ўқиб-ўрганиши, ахборот технологиялари дунёсига қўшилиши ва, энг муҳими, бу орқали пул ишлаш имкониятига эга бўлиши учун амалга оширилмоқда. Зеро, бу реал даромад манбаи, иктисодиёт ва экспортни ривожлантиришнинг энг қисқа ва самарали йўли ҳисобланади.

Стартаплар экотизими

Юртимиздаги стартапларнинг асосий қисми ахборот технологиялари соҳаси билан боғлиқ. Молиявий технологиялар йўналиши мамлакатимизда яхши ривожланыпти. PayPal, PayPal, Click бали электрон тўлов платформалари оммалашиб кетгани бунга мисол. Демак, бундай лойиҳаларга талаб, эҳтиёж бор. Аммо ҳали стартап экотизими ривожлантириш борасида қўллаб-қўрсаткичларга эътибор қаратилиши лозим. Зеро, Ўзбекистонда тўлақонли бизнесга айлана олган стартаплар ҳозирча ниҳоятда кам. Бори ҳам, асосан, маҳаллий истеъмол бозорига мўлжалланган.

Айни пайтда технопарк томонидан барча стартап гоялар, лойиҳалар кичик ва ўрта бизнес ҳамда стартап экотизимини ривожлантириш учун яратилган инкубация ҳамда акселерация дастурининг бир қисми сифатида қўллаб-қувватланмоқда. Ахборот технологиялари парки лойиҳаси гоясини тўлақонли тижорий махсулотга айлантиришга қаратилган инкубация ва акселерация дастурлари амалга оширилмоқда.

Бундай дастурларнинг жорий йилда бўлиб ўтган иккинчи даврасида иштирок этиш учун бир юз етмишта ариза келиб тушди. Улардан маслаҳат кенгаши томонидан йигирма учта, инкубация дастури учун тўққизта ва акселерация дастури учун ўн тўртта стартап лойиҳа танлаб олинди.

Ҳозирги кунда инкубация ва акселерация дастурлари онлайн режимида йўлга қўйилган. Ҳиндистоннинг iCreate компанияси билан ҳамкорликда стартаплар учун очик онлайн маърузалар ҳам ўтказилмоқда. Шунингдек, молиялаштириш жараёнини оидинлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ахборот технологиялари академияси

Ахборот технологиялари инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли, айниқса,

“**Шаҳарча қурилиши 2022 йилда якунланиши режалаштирилган. Бу ерда босқичма-босқич ўн еттига иморат, жумладан, йигирма-йигирма беш қаватли офис бинолари, йигирма икки қаватли меҳмонхона, университет, конференция зали, коворкинг маркази ва бошқа объектлар барпо этилади.**”



Музаффар АбдулҶАЛЕВ олган суратлар.

ёшларнинг бу борадаги саводхонлигини ошириш давр талабидир. Технопарк аҳолининг барча қатлами учун қулай бўлган сифатли таълимга катта эътибор қаратмоқда. Ахборот технологиялари соҳасида зарур кўникмаларга эга бўлиши ва ўз ўрнини топиши учун йигит-қизларга зарур шарт-шароит яратилган, ўқув марказлари ҳамда таълим лойиҳалари йўлга қўйилган. Масалан, академия кутуплари ва болалар учун дастурлаш курсларини тақдим этади. Уларга зарур кўникмани ўргатади, ахборот технологиялари соҳасидаги келгуси ишлари учун фойдали билимларни беради. Ахборот технологиялари академияси талабаларга веб дастурлаш, фойдаланувичи интерфейси дизайни ва маълумотлар билан ишлашда қутилган касбий маҳоратга эга бўлиш имконини берувчи таълим муассасасидир.

Академиянинг асосий мақсади — таълим майдонини миқозлар ва натижаларга йўналтириш. Талабалар услуб ва муаммоларга янгича қарашга эга бўлган ҳолда ўқув дастурини якунлайди. Натижада янги иш ўринлари, эгаллаб турган лавозимларида эса юқорилаш ва бошқа қўллаб янги имкониятларга эришади.

Бугунги кунда Ахборот технологиялари академиясида бир қанча ўқув курслари ташкил этилган. Шулардан бири Frontend дастурчи курсидир.

Бунда HTML/CSS ёрдамида оддий сайтларни ишлаб чиқиш, JavaScript/React ёрдамида сайтлар ва иловалар учун фойдаланувичи интерфейсларни

яратиш, фреймворк ёрдамида сервер билан ишлаш ва тайёр веб лойиҳаларини сынаб кўриш, Backend дастурчиси машғулотидан сўнг эса анимацияли сайтлар яратиш, маълумотлар базалари билан ишлашнинг асосий тамойилларини тушуниш, изоҳ ва қатъий форматланган кодни ёзиш мумкин.

Бундан ташқари, Ахборот технологиялари академиясида таълим блогини бор. Унда етти ой ичида дастурий таъминоти ишлаб чиқишнинг барча кўникмаларини ўрганиш, веб иловаларни нолдан яратиш ва касбий маҳоратни ошириш имкони мавжуд.

— Юртимизда иқтидорли ёшлар жуда кўп. Биз ахборот технологиялари хизматларини экспорт қилиш билан шуғулланмоқчимиз. Шунинг учун нафақат катта миқдордаги инсон капиталига, балки сифатли инсон ресурсларига эга бўлишимиз керак, — дейди Фарҳод Иброҳимов. — Ахборот технологиялари мутахассисларига талаб хар йили ортиб бормоқда. Агар чет элдаги таниқли компаниялар юртимизда ўз ваколатхоналарини очишсини ва ахборот технологиялари махсулотларини экспортга чиқаришни истасак, мутахассислар сони ва сифатини оширишимиз шарт.

Ахборот технологиялари марказлари ўқитиладиган ёшларга келгусида мустақил ишлаш имконияти берилади. Улар маҳаллий компанияларнинг ҳам, хорижий компанияларнинг ҳам бюртмаларини бажариши мумкин. Бундан ташқари, ахборот технологиялари паркининг резидент компанияларида ама-

лиёт ўташи ва ҳатто доимий иш билан таъминланиши учун имконият яратиш кўзда тутилган.

Венчур фондлар билан ҳамкорлик

Технопарк айни пайтда бир қатор венчур фондлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Жумладан, TUZ Ventures ва Sturgeon Capital фондлари жуда фаол ҳамкорлардандир.

TUZ Ventures билан бирга дастлабки босқичдаги стартапни қўллаб-қувватлаш учун мамлакатда бизнес экотизимини яратиш мақсадида иш олиб борилмоқда. Бундан ташқари, ҳамкорликда Ўзбекистоннинг стартап экотизимини босрасидаги муаммо ва имкониятларни ўрганиш мақсадида мамлакатимизнинг барча ҳудудида тадқиқот олиб борилди. Унинг натижасида икки юзта стартап дастур йиғилди.

Ушбу тадқиқот нафақат стартапларга, балки венчур фондлар, давлат ташкилотлари ва тадқиқотчиларга ҳам тақдим этилади. Ушбу лойиҳалар барча мезонларга жавоб берса, TUZ Ventures сармоя қиритиши кўзда тутилган.

Яна бир венчур фонд — Sturgeon Capital эса Марказий Осиё ва Кавказ минтақасида инвестиция имкониятларини итхисослашган хусусий инвестициявий бутик ҳисобланади. Инвестиция жамоаси Лондон ва Тошкент ўртасида асосланган тажрибали мутахассислардан иборат. Sturgeon асосчиси ва раиси Клементе Каппелло кўп йиллик тажрибага эга, Марказий Осиё ва Кавказга сармоя қиритган мутахассис бўлиб, мисли қўрилмаган маҳаллий тармоқни яратган. Sturgeon Capital тўғридан-тўғри инвестицияларнинг итхисослаштирилган ўзбек фондини тақдиф қилувчи ягона инвестиция менежери ҳисобланади.

Sturgeon Capital билан IT-park мунтазам қизқарли ҳамда истиқболли лойиҳалар хусусида фикр алмашиб келмоқда. Келажақда технопарк, шубҳасиз, ушбу фонд билан ҳамкорликни давом эттиради ва турли қўшма лойиҳаларни ташкил этади. Электрон бозор платформалари тизимини тақомиллаштириш, фойдаланувчиларнинг ўз лойиҳаларини қўрсатиш ва платформа орқали бюртма олиб, пул топиш имкони ортади.

Айни пайтда замонавий ва талабгир ўқув дастурларини жорий қилиш ва шу асосда ёшларни келажақ касбига тайёрлаш борасида изланишлар олиб борилмоқда. Навқирон авлод вақилларига ўз тажрибаларини улашадиган ментор, тренер ва тадбиркорликда муваффақиятга эришган инсонларни жалб этган ҳолда, ахборот технологиялари ҳамжамиятини шакллантириш технопаркнинг энг устувор йўналишларидан бири саналади.

Мозий — ҳақиқат тарозиси

НОМИ ТИЛЛАРДА ДОСТОН САРКАРДА



“Бизнинг танимизда Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Паҳлавон Маҳмуд каби боболаримиз қони оқмоқда. Биз шунга муносибимиз ва бу муносибликни ҳар дақиқада бутун халқимизга, жаҳон аҳлига тараннум қилишга шошилишимиз керак!”

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Мардлик ва жасорат ҳеч қачон унутилмайди. Она ватан тақдири ва келажаги учун қайғурган, эл озодлиги йўлида фидойилик кўрсатган шахсларнинг номи тарих заварақларига мангу муҳланган. Ватан озодлиги йўлида жонини фидо қилган доворак саркарда Жалолиддин Мангуберди жасорати ҳам унутилмасдир. Хоразмшоҳлар давлатининг сўнгги вакили бўлган саркарданинг жасоратига ҳали-ҳамон жаҳон аҳли ҳайрат билан қарайди. Шарафли номи эса тилларда достон. Халқини озод ва бахтли кўриш учун ўз ҳаётини бағишлаган Султон Жалолиддин Мангуберди 21 ёшида пароканда бўлиб бораётган халқни бирлаштирган, Чингизхон қўшинларига қарши ўн бир йил давомида мардонавор курашган, унинг матонати ва жасорати бугунги авлод учун фидойилик ва ватанпарварлик намунасидир. Мамлакатимизда ҳукуматимиз томонидан мард ва жасур бобокалонимиз хотирасига юксак эҳтиром кўрсатишмоқда. Жалолиддин Мангуберди фонди раҳбари Бекзод АБДИРИМОВ билан суҳбатимиз фонд фаолияти ва мақсадларига қаратилди.



— Тарихи ва буюк аждодларини эъзозлаган миллат ўзлигини намоён эта оладиган миллатдир. Президентимиз ҳам “Фарзандларимизни Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби буюк бобокалонларимизга муносиб қилиб тарбиялашимиз керак, бунинг учун уларга тарихни ўргатишимиз, маънавиятга қилиб тарбиялашимиз керак”, деган...

— Албатта! Мозий илми халқ маънавияти юксалишида ўзликни англашнинг пойдевори ва таянчи ҳисобланади. Бунчи ўз вақтида англаб етган мустамлакачи салтанатлар халқларни қурол орқали қарам қилиш билан чекланмасдан, қуллик занжирларида узоқ ушлаб туриш мақсадида халқни халқ, миллатни миллат қилиб турган устунлар ҳисобланмиш унинг тили, дини ва тарихини йўқ қилишга диққат-эътиборни қаратиши бежиз бўлмаган. Мустақиллик йилларида миллий тарихимиз ва унинг башарият тамаддунига қўшган жаҳоншумул ҳиссаларини адолат тамойили асосида ёшларга етказиш, шунингдек, ҳарбий ватанпарварлик ва ватанга садоқат тарбиясининг жанговар қуролга, халқ маънавиятини юксалтириш омилига айланиши давлат сиёсати даражасига олиб чиқилди. Натижада тарихий шахсларимиз Султон Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳамда маънавиятимизнинг бетакрор вақиллари Имом Бухорий, Имом Термизий, Аз-Замашшарий, Мотуридий, Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд ва Наҳмиддин Кубро (Шайх ул-Валитарош), Хожа Аҳрор Валий ва шу каби юзлаб улугларимиз мустабид тузум қувгинидан ўз ватанларига “қайтдилар”. Уларнинг маънавий-илмий мерослари халқимиз маънавий дунёсини юксалтириш, айниқса, ёшларни ватанга садоқат руҳида тарбиялашда бой хазинамиз ҳисобланади. Буюкларимизнинг мислсиз жасоратлари, юрт ҳимояси йўлидаги ҳайратомуз мардликлари, жангу жадаллар майдонларида жаҳонни титратган ҳукмдор ғанимларнинг қўшинлари юрагига қўруқ дахшатини солгани бугун ва келажақда ҳам Ватанни ғанимлардан

қўриқлайдиган барча учун ҳарбий академия вазифасини бажара олади.

— Жалолиддин Мангуберди фондининг ташкил қилиниши ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Жалолиддин Мангуберди нафақат Ватан озодлиги ва халқ манфаати йўлида курашган саркарда, балки ислом дини ҳимоячиси ҳамдир. Бу улуг бобокалонимиз руҳини ёд этиб, уни ёшларга намуна сифатида тақдим этиш маънавий ҳаётимизда катта аҳамиятга эга. Зотан, Жалолиддин Мангубердининг хизматлари ва сиймоси мустақиллик кўзгусида акс эттирилган бўлса-да, эл-юртимизни босқинчи, ёвуз қучлардан ҳимоя қилган баҳодирнинг тақдир тарихини чуқур илмий ўрганиш, мақбара ва музейини ташкил қилиш, аждодлар руҳини ёд этиш халқимиз маънавиятини бойитишга хизмат қилади. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Маънавият ва маърифат маркази Хоразм вилояти бўлими раҳбари ташаббуси, бир гуруҳ зиёлиларнинг таклиф ва қўллаб-қувватлашлари асосида 2019 йилнинг декабрь ойида Жалолиддин Мангуберди фонди ташкил қилинди.

— Фонднинг асосий мақсади ва вазифалари нималардан иборат?

— Фондимизнинг асосий мақсади туркий халқлар тарихи, жумладан, Ўзбекистон тарихини, юртимиздан етишиб чиққан буюк саркардалар, етук олимлар, ислом дини тараққиётига ҳисса қўшган ҳадисшунослар, тасаввуф илми намояндалари ҳаёти ва ижоди, ҳарбий маҳорати, жасоратини ўрганиш ва тарғиб қилиш, бу борада илмий тадқиқотлар, экспедициялар ўтказиш орқали ҳаққоний тарихимизни очиб бериш, аҳолининг кенг қатламларида ватанпарварлик ғояларини сингдиришдир. Фонд ушбу мақсадга эришишда бир қанча асосий вазифаларини белгиллаб олган. Биринчидан, Ўзбекистон тарихини, жумладан, Хоразм заминидан етишиб чиққан буюк аждодларимизнинг ҳаққоний тарихини ўрганиш ва тарғиб қилишга қаратилган конференциялар, турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш ва экспедициялар ташкил қилиниши.

Иккинчидан, туркий халқлар, жумладан, Ўзбекистон тарихи акс этган китоблар чоп қилади. Жалолиддин тарихи, унинг ҳарбий маҳорати, жанг санъатини ўрганиш ва тарғиб қилишга қаратилган лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаб, бу борада тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини тиклайди ва мустаҳкамлайди.

Учинчидан эса Жалолиддин Мангуберди ва бошқа буюк шахслар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг хотирасини эъзозлаш, шу билан бирга, саркарда хотирасига бағишланган турли қўриқ-танловлар ва мусобақалар

ўтказиш ҳамда ғолибларни моддий-маънавий рағбатлантириш борасидаги ишларни амалга оширади.

— Вазирлар Маҳкамасининг “Жалолиддин Мангуберди тарихининг янги саҳифаларини ўрганиш” мавзусида халқаро конференция ўтказишга тайёргарлик кўриш тўғрисида”ги фармойиши қабул қилинган эди. Фармойиш асосида қандай ишлар амалга оширилди?

— Президентимизнинг 2020 йил 12-13 март кунлари Хоразм вилоятига таширфи чоғидаги топириқлари ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёнида Ватан озодлиги курашчиси, доворак саркарда, миллий қаҳрамон, жаҳон халқлари тарихида ўчмас из қолдирган Жалолиддин Мангуберди жасоратининг ёш авлодни миллий гуруҳ ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги тарихий аҳамиятини ҳисобга олиб, қатор вазифалар берилган ва шунга қўра, Вазирлар Маҳкамасининг “Жалолиддин Мангуберди тарихининг янги саҳифаларини ўрганиш” мавзусида халқаро конференция ўтказишга тайёргарлик кўриш тўғрисида”ги фармойиши қабул қилинган эди.

Жалолиддин Мангуберди фонди томонидан 2020 йил 18 май кунини Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими, Урганч давлат университети, Хоразм Маъмун академияси ҳамкорликда “Хоразм — Марказий Осиё цивилизацияси тизимида” мавзусидаги халқаро илмий конференция ташкил қилинди. Конференцияда республика-миз олимлари билан бир қаторда Португалия, Испания, АҚШ, Покистон, Малайзия мамлакатларининг ҳам бево-сита Хоразм тарихи, Жалолиддин Мангуберди ва Хоразмшоҳлар бораи билан боғлиқ илмий иш олиб бораётган тадқиқотчилари иштирок этди. Ушбу лойиҳа режалаштирилаётган “Жалолиддин Мангубердининг жаҳон тарихида тутган ўрни” мавзусидаги халқаро конференция учун тажриба вазифасини бажарди. Яқинда Хоразм телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда қўрсатув тайёрланиб, у “Буюк ипак йўли бўйлаб” номи билан ташкил қилинган экспедиция хусусида бўлди. Экспедиция давомида Қорақалпоғистон Республикаси Кўннинг турмани “Жаслик” маҳалласи ҳудудида жойлашган Белоули ва Алан-қалъа ёдгорликларида кузатув-ўрганув ишлари олиб борилди. Экспедиция натижалари ҳамда олинган хулосалардан келиб чиққан ҳолда, Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими томонидан Республика маънавият ва маърифат марказига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўжорги Кенгеси-сига Жалолиддин Мангуберди фонди томонидан ўрганилган манзилгоҳларнинг сақланиши, муҳофазатга олиниши ва эътибор қаратилиши билан боғлиқ



масалалардан иборат таклифлар акс этган мактублар юборилди. Шунингдек, Абул Фазл Байҳақий қаламига мансуб “Тарихи Байҳақий” асарининг Хоразм тарихига оид қисми таржи-ма қилинди ва нашрга тайёрланди.

— Фонд томонидан ҳамкорлик алоқалари кўнгилдагидек йўлга қўйилмоқдами?

— Бугунги кунгача Жалолиддин Мангубердининг бунёдкорлик фаолиятига оид тарихий маълумотлар кам ўрганилган. Аммо ўрганишларимиз жараёнида унинг номи билан боғлиқ бир қанча тарихий меъморий ёдгорликлар борлигига гувоҳ бўлдик. Масалан, Эрон Хуросонида Жалолиддин қалъаси, Покистондаги Тулажа қалъаси, Самарқанд қалъаси, Арабистон денгизи қирғоғида Жума масжиди бугунги кунгача сақланиб келмоқда. Мана шу тарихий обидаларни ўрганиш ҳам бизнинг асо-сий мақсадларимиздан биридир.

Фондимиз томонидан Жалолиддин Мангуберди ва, умуман, юртимиз тари-хи, хоразмликларнинг ўрта асрлардаги турли минтақалар ижтимоий-сиёсий ҳаётига таъсирига доир илмий иш олиб бораётган тадқиқотчилар билан ҳам-корлик яхши йўлга қўйилган. Хусусан, венгриялик археолог Розе Золтан билан ҳаммуаллифликда “Венгриядаги хо-размликлар” мавзусидаги тадқиқот иши бошлаб юборилди. Ўғни, ўрта асрлар-да Шарқий Европада ҳукмронлик қил-ган Арпадлар салтанатининг молиявий, ҳарбий соҳаларида етакчи кучга айлан-ган аждодларимиз ҳақида манбалар ўрганилиб, унинг асосида монография тайёрланмоқда. Ушбу монография ўз-бек, венгер, инглиз тилларида чоп қили-ниши режалаштирилган. Монографияда хоразмликларнинг Шарқий Европадаги Арпадлар давлатида қандай кучга эга бўлгани, салбиқчилар ва немисларга қарши курашлари, Рим Папасининг хо-размликлар билан боғлиқ муносабатла-ри акс эттирилди.

Шунингдек, покистонлик мустақил тадқиқотчи Васим Сажжад билан ҳам Жалолиддин Мангубердининг бево-сита Ҳинд ҳавзасида 1221-1224 йиллар-даги даврини тадқиқ қилиш жараёни туғалланмоқда. Ушбу изланишлар натижаси ўлароқ, жорий йил сўнггида Жалолиддин Мангубердининг Ҳиндис-тондаги ҳаёти акс этган рисола ўзбек, пушту, рус, инглиз тилларида тарих их-лосмандларига тақдим қилинади. Унда Жалолиддин Мангуберди томонидан ҳозирги Покистон ҳудудида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий сиё-сат, бунёдкорлик ишлари ҳақида ба-тафсил маълумотлар берилади.

Бундан ташқари, фонд томонидан 2020 йилнинг сўнгига қадар Назарбек Раҳим таржимасидаги туркиялик проф-фессор Марям Гумбузнинг “Хоразм-шоҳларда давлат ташкилоти, иқтисо-дий ва маданий ҳаёт” рисоласи, Фуод Кулурузоданинг “Турк адабиётидаги илк мутасадфирлар” асари ва бошқа монографиялар чоп этилади.

— Келгусидаги эзгу мақсадлар ва режалар ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз?

— Фонд келгусида тарихий манба-ларни таржима қилиш ишларига кенг қўламда ёндашишни мақсад қилган. Ай-ниқса, юртимиз тарихига оид бирламчи манбаларни ўзбек тилига ўгириш, улар-ни нашр қилиш борасида бир қатор ло-йиҳаларни илгари суради. 2021 йилда фонд ташаббуси билан Сериждин Жузжонийнинг “Табақоти Носирий”, То-ҳир Марвазийнинг “Китаб Табаи аль-Хайяван аль-Бахри валь-Барри” асар-лари таржима қилиниши ҳамда нашр этилиши режалаштирилган.

Шунингдек, фонд томонидан илмий-экспедициялар ҳам ўтказиш мақсад қилинган бўлиб, 2021 йилнинг иккинчи чо-рагида Қозғистон, Туркия, Покистон, Эронга экспедициялар ташкил қилиш-га тайёргарлик кўрилмоқда. Албатта, экспедициялар оммавий ахборот во-ситаларида еритилиб, улар тўғрисида махсус телеқўрсатувлар тайёрланади ва аниқланган маълумотлар, тўпланган материаллар асосида монографиялар нашр этилади.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Гуличеҳра ДУРДИЕВА
сўхбатлашди.

Ришта

ЎЗБЕК ВА ОЗАР ХАЛҚИНИНГ СЕВИМЛИ ШОИРИ

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўзбек ва озарбайжон тарихан бир-бирига яқин, қон-қардош халқлар. Бу икки халқнинг маънавияти, маданияти, адабиёти ҳам бир-бириникига ўхшаш. Икки миллат қалбларини бир-бирига яқинлаштиришда ҳам озарбайжон, ҳам ўзбекнинг бирдек фарзандига айланган Мақсуд Шайхзоданинг ҳиссаси катта.



Шу маънода ҳам Президентимиз ташаббуси билан Тошкент давлат транспорт университетига Мақсуд Шайхзоданинг ҳаёт ва ижод йўли-ни чуқур ўрганиб, кенг тадқиқ этиш вазифаси топирилди. Билдирил-ган ишончга жавобан университет жамоаси томонидан Шайхзоданинг ҳаёт йўли, ёзма меросини илмий тадқиқ этиш, унинг ижоди ва асар-ларини ўқув жараёнига тадқиқ қилиш, адиб ижоди, эзгу ғоялари-ни оммавий ахборот воситалари, электрон платформаларда кенг тарғиб қилиш сингари турт асосий йўналишни ўзида қамраб олган “йўл харитаси” тузилди.

Унга қўра, университет ҳузурида Халқаро шайхзодашунослар кенга-ши тузилиб, низоми ишлаб чиқилди. Ушбу кенгаш шоир ижоди бўйича яратилган илмий тадқиқот ишлари ҳамда нашр этилган асарларининг электрон базасини шакллантириш, келгусида “Шайхзода қомуси”ни яратиш, асарларида сингдирилган ғоялар ва ҳикматли сўзлари жам-ланган кўп тилли “Шайхзода ҳик-матлари” китоби ҳамда фаолияти ва меросига бағишланган илмий тўплам чоп эттириш, адибнинг му-каммал илмий библиографиясини яратиш каби унлаб вазифаларни белгиллаб олган. Шу билан бирга, университет профессор-ўқитув-чилари томонидан шоир ҳаёти ва ижоди бўйича яратилган веб-сайт фаолият юрียтапти. Бундан таш-қари, “йўл харитаси”да адибнинг туғилган куни муносабати билан ҳар йили 5 ноябрда халқаро илмий-амалий конференция ташкил этиш кўзда тутилган эди.

Пандемия муносабати билан илк бор ташкил этилган конферен-ция онлайн тарзда бўлиб ўтди. Кон-ференция аввалида иштирокчилар университетда ташкил этилган Мақсуд Шайхзода ўқув зали ва экс-позициясининг очилиш маросимига гувоҳ бўлди. Ўзвучи, адабий дра-матург, таржима устаси, буюк пе-дагог, тилшунос ва адабиётшунос Мақсуд Шайхзода номидаги ўқув зали ва экспозиция ғоят нозик дид ва моҳиятан уйғунликда ташкил этилганини Шукур Бурҳоновдек ул-кан санъат дарғасио, Жалолиддин Мангубердидек буюк тарихий шахс-лар сиймолари ҳам айтиб турибди. Негаки, Шайхзода Шукур Бурҳонов билан ғоят яқин дўстлик муноса-батларини ўрнатган. Ўзбек миллий



академик драма театрида Жало-лиддин Мангуберди сиймосини яратган актёр Аҳрор Алижонов ҳам Жалолиддин монологиндан парча айтиш аввалида бу ҳақда алоҳида таъкидлади.

Ахборот-ресурс марказида адибнинг дастлабки асарларидан тортиб, умрининг сўнгига ёзган ки-тобларигача даврийлик тартибда териб қўйилгани диққатга сазовор. Айниқса, Шайхзоданинг 1937-1941 йилларида ёзилган асарлари, тар-жималари иштирокчилар эътибо-рини тортиди. Уч тилда яратилган электрон платформалар орқали талабалар бемалол адиб ҳақидаги маълумотлардан фойдаланишлар-и мумкин.

Тадбир доирасида ўз ишини бошлаган “Мақсуд Шайхзода-нинг адабий мероси ва замона-вийлик” мавзусидаги I халқаро

илмий-амалий конференциянинг очилиш маросимида универси-тетда бошланган эзгу ишлар, сая-ҳаракатларни давом этти-риш зарурлиги кайд этилди.

Онлайн конференциянинг пленар йиғилишида адабиёт-шунос олим, академик Наим Каримов, Ўзбекистон Республи-каси санъат арбоби, адабиёт-шунос, профессор Иброҳим Ғофуров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, адабиётшунос Ортиқ Абдул-лаев, Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият маркази масъул ходими Кифоят Пирму-хамедова нутқ сўзлади. Айниқ-са, Мақсуд Шайхзода билан за-мондош бўлган Наим Каримов ва Иброҳим Ғофуров адибнинг Ўзбекистонга келишидан тор-тиб, умрининг сўнгига қадар олиб борган фаолияти хусуси-да қўллаб-қўйилад, янги ва қи-зикарли маълумотларни сўзлаб бериш баробарида шоирнинг энг бетакрор шеърларини ҳам эсга олдилар.

Онлайн конференцияда, шу-нингдек, Қирғизистон Республикаси Жалолобод давлат университети-нинг қирғиз тили ва адабиёти ка-федраси доценти, филология фан-лари доктори, профессор Муюсар Мирзоҳидова, Қозғистоннинг Сулейман Демирел номидаги уни-верситети доценти, филология фанлари номзоди Бота Хасен, ада-биётшунос олима Олмос Ғофурова ҳам масофадан туриб шоир ҳа-қидаги маърузалари билан ишти-рок этди. Бундан ташқари, Хоразм вилояти Қўшқўпри туманидаги 43-мактаб ўқитувчиси Ғайрат Саъ-дуллаев ўзи яратган Мақсуд Шайх-зода суратини намоиш қилган бўлса, Урганч давлат университети талабаси Уктамбек Сарварбек ўғли адиб ижодидан жонли қўшиқ ижро этди.

Олти асрдан зиёдрок тарихга эга ўзбек-озарбайжон адабий алоқаларида янги бир даврни бошлаб берган ва уни мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган Мақсуд Шайхзода умрининг 40 йилини Ўзбекистонда ўтказиб, бор илмий ва ижодий салоҳиятини адабиётимиз, илм-фанимизга сафарбар этган экан эртамиз эгаларига адиб ҳақида гапирсак, юксак инсонийлик, педагогик фазилатларини ҳар қанча намуна қилсак арзийди.

Конференцияда Мақсуд Шайх-зода фаолияти, меросини туркий халқлар тарихи, маданияти, қад-риятлари рамзи сифатида тад-қиқ ва тарғиб этиш, “Мангуликка дахлдор ижод” илмий-оммабоп рисоласини тайёрлаш, “Мукаммал асарлар” тўпламини ўзбек, рус, инг-лиз, қирғиз, қозқ тилларида қайта нашр этишдек вазифалар белгиллаб олинди.





Давлатимиз раҳбари томонидан 2018 йил 1 ноябрда имзоланган “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарорга асосан, 2019 йил 5-10 апрель кунлари Термиз шаҳрида биринчи Халқаро бахшичилик фестивали бўлиб ўтганди.

МИЛЛИЙ МАДАНИЯТНИНГ ТАШРИФ ҚОҒОЗИ



Азамат ҲАЙДАРОВ,
Маданият вазирлиги ҳузуридаги
Илмий-методик марказ
директори, профессор

Аслида у нафақат Ўзбекистонда, балки бахшичилик йўналишида дунё миқёсида ўтказилган бахшичилик санъатининг биринчи фестивали бўлди, десак ҳам муволафас эмас. Бу катта санъат байрамида дунёнинг 74 та давлатидан 200 га яқин меҳмон (улар орасида АКШ, Германия, Франция, Россия, Хитой, Япония, Туркия, Жанубий Корея каби йирик давлатларнинг маданият ва санъат намояндалари, фольклоршунос олимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари) иштирок этгани фестивалнинг нуфузини янада оширди.

Президентимиз фестивалнинг тантанали очилиш маросимида сўзлаган нутқида ҳозирги глобаллашув даврида тижорат воситасига айланган “оммавий маданият”, шоу-бизнеснинг салбий таъсири тобора кучайиб бораётган мураккаб замонда ҳар қандай миллий маданиятнинг бўлуғи бўлган фольклор санъатига эътибор ва қизиқиш сувайиб бораётгани ҳам сир эмаслигини, фольклор санъати бу — инсониятнинг болалик қўшиғи бўлиб, мана шундай ноёб ва буюк санъат бўлгани кунда шунчаки маданий ёдгорлик намунасига айланиб, кўп жойларда унутилиб кетаётгани, унинг ҳимоя ва муҳофазага муҳтож эканини давримизнинг ачқик ҳақиқати, деб таъкидлаган эди.

Ушбу иқтисодни беҳиз келтираётганимиз йўқ. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида бахшичилик санъати шунчаки маданий ёдгорлик намунасига айланиб қолганини ачқик ҳақиқат сифатида алоҳида эътироф этгани соҳа мутахассислари, олимлар ва мутахассисларни жиддий ўйлантириш зарур бўлган долзарб ва аини пайтда ўта муҳим вазифа, албатта.

Беш кун давом этган фестиваль бахшилар, оқинлар, жировлар, манасчилар ва барча иштирокчилар қалбига малҳам бўлган халқаро санъат байрамига айланиб кетди. Хорижлик меҳмонлар ва Ўзбекистон халқи инсониятнинг болалик қўшиғини дўмбира жўрлигида биргаликда куйлади.

Уша кунларда Сурхон воҳасида ажодларимиздан ёдгорлик бўлган достонлар қадим чолпугларимиз дўмбира ва чанқовуз оҳанглари остида энг баланд пардаларда куйланиб, миллий маданиятимизнинг сарчашмаси ҳисобланган бахшичилик санъатининг куч-қудратини бутун дунёга намоян элди. Фахр-ифтихордан юраклар жунбишга келди, кўзларда қувонч ёшлари қалқиди, дили пок одамларнинг қалблари гургуради тўлиди.

Райятнинг шодлигини, фестивалдаги кўтаринкиликни кўрган давлатимиз раҳбари инсонларни эзулиққа, мардликка, жасоратга, ватанпарварликка, бағрикенгликка, элу юртни ардоқлашга қорловчи бахшичилик санъатини янада тараққий эттиришга қаратилган “Бахшичилик санъатини

“Достончилик ва бахшичилик — миллий ғуруримиз, унинг замиридаги эзгу қадриятларни халқимизга етказиш лозим”

Ноёб маънавий мерос

янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини 2019 йил 14 май куни, халқаро фестивалдан кейин бир ой ўтмасдан оқ имзолади. Ушбу қарор бахшичилик санъатининг келгуси истиқболини белгилаш ва тараққий эттиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Қарорда кўзда тутилган жуда катта аҳамиятга молик бўлган вазифа бажарилиб, Термиз шаҳрида Республика бахшичилик санъати маркази ва Бахшичилик санъатини ривожлантириш жағфармаси ташкил этилди. Ҳозирги кунда ушбу ташкилотлар бахшичилик мактаби биносига жойлаштирилди. Келгусида шаҳарнинг “Боғишомол” маҳалласи Фаровон мавзесида марказнинг янги биноси қад ростлайди. Ушбу бино лойиҳаси “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ҳузуридаги “Тош-темирйўллойиҳа” МЧЖ ва Маданият вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилди.

Қарорни синчиқлаб ўқир эканмиз, миллий санъатни қадрлаган, қадимий меросимизни эъзозлашга халқимизни, айниқса, ёшларни даъват этаётган ва бу кўхна бахшичилик санъатини дунёга таътирмоққа бел боғлаган давлатимиз раҳбарига меҳримиз янада ошиб, вужудимиз фахр тўғўларига тўлади. Дарвоқе, қадим тарихимизнинг минг йилликлари мобайнида халқимизнинг юрак-юрагига сингиб кетган, тўғма истеъдод соҳиблари томонидан яратилган, авлоддан-авлодга ўтиб сайқалланиб, янада бойитилиб келинаётган миллий маданиятимизнинг тўб илдири, жон томири бўлган бахшичилик санъати ва достончилик ўзбек оиласининг маънавиятини, самимиятини, бадий-руҳий салоҳиятини намоён этувчи ёрқин кўзгудир. Кўп тўфонли замонларни кўриб, асрлар оша ўзининг халқчилиги билан бизгача етиб келган ушбу қадимий санъат тури халқ бадий ижодиётининг энг семимли, энг жозибали, ардоқли ва инсон қалбини тез забт этадиган ғўзал жанридир. Ўзининг умрбоқийлиги, тарбиявийлиги, халқ дилига жуда ҳам яқинлиги билан санъатнинг бошқа турларидан ажралиб тўрувчи бахшичилик санъати миллатимизнинг турмуш тарзини, дунёқарашини юксак бадий ифода этадиган азалий қадриятдир.

Сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқларда яхши-ёмон ахборотлар қаторида бахшичилик санъати, унинг тарихи, достонларимизга муносабат каби мавзуларда турли мулоҳазалар айтилмоқда. Бу ижобий ҳолат, албатта. Аммо тарихни бузиб кўрсатиш, етарли манбаларни тўлиқ ўрганиб чиқмасдан, чигал-ноаниқ фикрларни, бахшичилик аъёнларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олмаган ҳолда, турли тақлифларни ўртага ташлаш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Аини шу соҳани янада ривожлантириш, мавжуд муаммоларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар аниқ-тиниқ белгилаб берилган бир пайтда, бир мақолада “аслида достонлар мақомларга қараганда жуда қадимий бўлиб, у чорвадор кўчанчи халқлар маданиятидир”, деб ёзилган. Буни ўқиган, достончилик тарихидан бохабар ҳар қандай одам ҳам, унинг ижрочиси бўлган бахши ҳам қаттиқ ранжийди, қалби ўқсийди. Бундай асоссиз хулоса ўзбекларни фақат чорвачилик билан шугўлланадиган кўчанчи халқ бўлган экан, дейишга олиб келмайдики? Бу нима деган гап, “Уйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир” деган нақл бор-ку!

Яна шу мақолада “мақомлар эса сарой маданиятидир”, дейилади. Бу гап мумтоз кўшиқчилик санъатимизга нисбатан ўта ҳурматсизликдан бошқа нарса эмас. Муаллиф достонларни ноталаштириш масаласини ҳам кўтарган. Бу фикрга ҳам қўшилиш қийин. Ахир ҳамма нарса қоғозга солиниб, бахшилар ижросига чекловлар қўйилса, ўзбек достонларининг

ижро услубидаги қадимий аъёнларнинг бузилишига йўл қўйилмайдими?! Бундай ижро неча-неча асрлардан буён шаклланиб, чарчланиб, қўлоқларимизга сингиб кетиб, фидойи бахшиларимиз томонидан сақланиб келинаётган миллий санъатимиз ноёб йўналишининг қадр-қиммати пасайиб кетмайдими?! Ахир, донишманд халқимиз, “қош қўяман деб, кўз чиқарма”, деб бежиз айтмайди.

Дунёга тенгдош бахшичилик санъатининг асрлардан-асрларга, авлоддан-авлодга етказилишида жонбозлик кўрсатган устоз бахшилар Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислон шоир Назар ўғли, Мухаммадқул Жонмурод ўғли Пулкан, Бекмурод Жўрабой ўғли, Раҳматилла Юсуф ўғли, Умир бахши Сафар ўғли, Бола бахши — Қўрбонназар Абдуллаев, Зоҳир шоир Кўчқор ўғли, Қодир бахши Раҳимов, Чори бахши Хўжамберди ўғли, Бобораҳим Маматмуродов ва замонавий ижодкорлар — Ўзбекистон халқ бахшилари Шомурод бахши Тоғай ўғли, Қаландар бахши Норматов, Қора ва Чори бахши Умировлар, Хўшбўк бахши Мардоннақул ўғли, Шоберди бахши Болтаев, Абдуназар бахши Поёнов, Абдулла Қўрбонназаров (Норбек бахши), Абдумурод ва Қажор бахши Раҳимовлар каби халқимиз ардоғидаги атоқли бахшилар достонларни аъёнаний услубда (нотасиз) ижро этиб, элу юртнинг фахрига айланган ва халқимизнинг олқишига сазовор бўлган.

Мамлакатимизда достон куйлаш аъёнаси қадимда уш йўналишда ривожланган. Биринчиси, Булунгур, Қўрғон, Шахрисабз, Қайма, Нарпай, Шеробод, Жанубий Тожикистонда яшовчи ўзбек-лақай достончилик мактабларида дўмбира чертиб, якка ҳолда бўғиз овоз билан, иккинчиси, Хоразмида тор, дутор, ғижжак, гармон, бўламон, қўш-най, доира жўрлигида баъзан якка, баъзан жуфт ҳолда куйланган. Фарғона водийсида эса дутор жўрлигида очик овозда ижро этилган. Ушбу мактабларнинг айримлари, афсуски, ўз фаолиятини тўхтатган, баъзилари эса йўқолиб кетиш арафасида турган бир пайтда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Термиз шаҳрида бахшилар мактаби ташкил этилди. Мактабнинг очилиш маросимида Президентимиз: “Достончилик ва бахшичилик — миллий ғуруримиз, унинг замиридаги эзгу қадриятларни халқимизга етказиш лозим”, деб таъкидлаган эди.

Ушбу долзарб вазифани ҳал этиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилиш зарур. Аввало, бахшилар ижроларини тасмалардан замонавий CD ва DVD форматларга кўчириш, достонлар асосида фильмлар яратиш ҳамда бахшичилик санъатига доир фундаментал илмий-тадқиқот ишларини янада кучайтириш, ҳудудларда олдин мавжуд бўлган бахшичилик мактабларини қайта тиклаш чораларини кўриш зарур. Шунингдек, бахшичилик тарихи ва достонларимизни умумтаълим мактаблари тизимига дарслик сифатида кириштириш, Термиз шаҳрида ташкил этилган бахшилар мактабини республика мактаб-интернатига айлантириш муҳимдир. Ҳудудлардаги иқтидорли ёшларни танлов асосида саралаб, ушбу мактаб-интернатда ўқитиш, жойларда фаолият кўрсатаётган болалар муслика ва санъат мактабларида достончилик ва бахшичилик санъати йўналишларини таълим дастурларига кириштириш ҳамда бахшилар мактаблари учун олиш маълумотли мутахассис кадрларни тайёрлаш лозим. Ўқув қўлланмалар, тавсияномалар, дарсликлар яратиш, ҳудудларда аввал мавжуд бўлган бахшичилик мактабларини ўрганишга доир илмий экспедициялар уюштириш, Ўзбекистон бахшиларининг хорижда ижодий гастролларини ташкил этиш биринчи галдаги муҳим вазифалардир.

XX асрнинг ўрталарида ижод этган Пулкан шоир 76 та, Фозил Йўлдош ўғли 60 та, Эргаш Жуманбулбул ўғли 50 та,

Мардонақул Авлиёқул ўғли 43 та, Юсуф Ўтаган ўғли 31 та, Бола бахши 20 та, Қодир бахши Раҳимов 67 та достонни ёддан билган. Шунинг учун ҳозирги ёшларни замонавий усуллар асосида достонларни ёд олишга ўргатиш, бахшичилик санъати ва достонларимизнинг махсус веб-сайти ва мобилъ иловасини яратиш, унга бахшилар тўғрисидаги маълумотлар ва уларнинг ижроларини жойлаштириш ҳамда оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда ёритиш, тарғиб этиш лозим.

Президентимиз жорий йилнинг 2 октябрида Нукус шаҳрига ташрифи чоғида бахши-жировчилик қорақалпоқ халқи қадимий миллий санъатининг энг ноёб ва асосий йўналишларидан бири экани ҳақида алоҳида тўхталиб: “Бахшичилик — қорақалпоқ элининг улғў аъёнаси, уни ривожлантириш учун ҳамма шароитларни яратамиз”, деб таъкидлади. Нукус шаҳрида ташкил этилган опера ва бахшичилик санъатига ихтисослаштирилган мактаб-интернатда бўлиб, чекка ҳудудлардаги истеъдодли ёшларни излаб топиш, уларни ўқитиш, тарихимиз ва миллий маданиятимизнинг қадимий дурдоналаридан баҳраманд этиш, шунингдек, етук бахши-опера хонандаларини халқаро танловларга тайёрлаш борасида кўрсатмалар берди. Демак, бахшичилик санъати мамлакатимизнинг барча гўшаларида янада тараққий эттирилиб, янги истеъдод соҳибларининг кашф этилишида катта имкониятлар яратилди.

Президентимиз: “Агар биз бу ноёб санъатни сақлаб қолиш учун бугун барчамиз биргаликда ҳаракат қилмасак, эртага, афсуски, кеч бўлади, келгуси авлодлар, тарих бизни кечирмайди”, деб таъкидлади ва бу санъатни миллий маданиятнинг ўзига хос ташриф қоғозиға айлантиришга чорлайди. Бундай юксак вазифани адо этиш маданият ва санъат аҳлининг бурчидир.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросини тезкор таъминлаш мақсадида Маданият вазирлиги ва Миллий телерадиокорпорация “Ўзбекистон — божий достоним” номли республика бахшилар телетанловини ҳамкорликда ўтказиш борасида низом имзолади. Ушбу телевизион танлов ёш бахши ва жировларга ўз маҳоратларини намойиш этишига кенг йўл очди.

Шу ўринда бир тақдиримни айтиб ўтмоқчиман. Ўзбекистон Республикаси ҳамда хорижий давлатларнинг фуқаролари фан ва техникани, иқтисодиёт ва маданиятни ривожлантиришдаги катта хизматлари, давлатлараро ҳамкорлигини ривожлантиришга ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини оширишга қаратилган ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишга қўшган ҳиссасини муносиб тақдирлаш мақсадида мамлакатимизда “Буюк хизматлари учун” ордени таъсис этилиб, ушбу орден билан йирик сиёсий арбоблар, олимлар, таниқли ёзувчилар, театр ва миллий кўшиқчилик санъатининг етук намояндалари тақдирланди. Аммо миллий маданиятимизнинг энг қадимий ва ноёб хазинаси бўлган бахшичилик санъатининг вакиллари — бахшиларимиз ушбу фахрли унвон билан тақдирланмаган. Эҳтимол, шу пайтгача бахшилар ва уларнинг фаолиятига етарлича эътибор берилмагани бунга сабаб бўлгандир. Мана, сўнгги тўрт йил мобайнида давлатимиз раҳбари томонидан бахшичилик санъатини асраб-авайлаш, тараққий эттириш, муҳофаза қилиш ва дунё миқёсида кенг тарғиб этишга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан бахшичилик санъатини авлоддан-авлодга етказиш, уни сақлаб қолиш ишларида жуда катта хизмат қилиб, жонбозлик кўрсатган, бахшичилик санъатининг атоқли намояндалари, устоз бахшиларимиз ҳам ушбу унвон билан тақдирланса, уларнинг руҳлари шод бўлиб, нур устига нур бўлар эди.



Миллий ғуруримиз

ДАВЛАТ ТИЛИГА ЭЪТИБОР СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАРГА АСОСЛАНАДИ



Азамат ПАРДАЕВ,
“Ўзстандарт” агентлиги бош
директорининг маслаҳатчиси

Сўнгги йилларда юртимиздаги ислохотларда она тилимизга ҳурмат, уни ривожлантириш, давлат идораларида она тилида иш юритиш билан боғлиқ масалаларга жуда катта эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, 2019 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва маъқеини тўбдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги тарихий фармони қабул қилиниши билан ўзбек тилининг жамиятдаги нуфузи ва ўрни янада ошди, ҳукумат тизимида янги департамент, вазирлик, идоралар ва ҳокимлик тизимларида раҳбар маслаҳатчиси лавозимлари жорий этилди. 21 октябрда санасини Ўзбек тили байрами куни сифатида нишонлаш тўғрисида қонун қабул қилинди ва бу йил илк мартаба мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланди.

Албатта, бундай хайрли ишлар ўз-ўзидан бўлмайди. Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти томонидан жуда катта марралар белгиланиб, ўзбек тилининг нуфузи ва ўрнини ошириш, давлат муассасаларида иш юритиш, пештоқлардаги ёзувлар, ташқи рекламаларнинг давлат тилида юритилиши масалалари таҳлил қилинди.

Масалан, “Ўзстандарт” агентлиги тизимида, унинг барча ҳудудлардаги филиалларида ташқи ёзувлар, шу жумладан, лавҳалар, эълонлар, реклама ва кўргазмалар ахборот матнлари, ташқи реклама материалларининг давлат тили ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлиши таъминланди.

Тизим ташкилотларининг ҳудудий филиалларида ходимлар учун маънавият соатлари ташкил этилиб, уларда янги қабул қилинган қонунлар, Президент фармон ва қарорларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича ишлар олиб боришмоқда.

Агентликка тегишли ташкилотларга берилган топшириқлар ижросини таҳлил қилиши натижасида эса махсусотларга бериладиган мувофиқлик сертификатлари ҳамда лабораториялардаги махсусотлар синовлари жараёнида расмийлаштириладиган баённомаларнинг тўлиқ давлат тилида бўлишига эришилди. Агентлик тизимида, ҳудудий филиалларда давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича амалга оширилган ишлар доимий равишда оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда ёритиб борилади.

Ўзбек тили байрами куни арафасида давлатимиз раҳбарининг яна бир ҳужжати — “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Мазкур фармон ўзбек тили ва тил сиёсатини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналиш ва вазифалари ҳамда унинг истиқболдаги босқичларини белгилаб берди. Фармон билан 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси, унинг асосий йўналишлари ва амалга ошириш дастури қабул қилинди.

Шунингдек, ҳужжатда 2025 йилга қадар давлат мактабгача таълим тизимида, 2030 йилга қадар эса умумтаълим мактабларида, олий таълим муассасаларида ўзбек тилида таълим беришининг янги босқичлари ва кўрсаткичлари белгиланди. 2025 йилга қадар давлат тилида соҳавий иш юритиш ҳужжатларининг янада электрон намуналарини ишлаб чиқиш, хорижликлар учун ўзбек тилини ўргатуви дастурлар яратиш каби долзарб масалалар ўз ечимини топадиган бўлди.

Раҳбар кадрларнинг давлат тилида расмий иш юритиш даражасини аниқлаш масаласи ҳам фармонда ўз аксини топди. 2021 йил 1 апрелдан бошлаб ўзбек тили ва адабиёти бўйича билимни болақошнинг миллий тест тизими, масъул лавозимларга тайинланадиган шахслар учун давлат тилини билиш бўйича даража сертификатлари жорий этилиши кўрсатиб ўтилди. Бунда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида ўзбек адабий тили меъёрлари ва давлат тилида иш юритиш бўйича 1-2 ойлик ўқув курслари мунтазам равишда ташкил этилиши белгиланди. Умуман олганда, раҳбар кадрлар учун мазкур талабнинг жорий этилиши бугунги кунда уларнинг давлат тилига бўлган эътибори ва масъулиятини оширишда муҳим омил бўлди.

Ўзбек тили байрами куни арафасида Президентимиз томонидан қабул қилинган “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарор ҳам ўзбек тили ва адабиётини, миллий маданиятимизни янада равнақ топтиришга қаратилган яна бир катта қадам бўлди.

Қарор билан Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондини ташкил этиш, Алишер Навоий орденини таъсис этиш, Афғонистон Ислон Республикасининг Ҳирот шаҳридаги Алишер Навоийнинг мақбараси мажмуасида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш каби муҳим вазифалар белгиланди.

Мамлакатимизда ўзбек тилининг ўрнини қатъий мустаҳкамлаш, раҳбар кадрларнинг давлат тилида иш юритишлариға эътиборни кучайтириш, буюк мутафаккирларимиз ва алломаларимизнинг бекиёс меросини ёш авлод он-ғига сингдириш ва уларда ўзбек тилига ҳурматни янада кучайтиришнинг стратегик мақсадлари белгиланди. Эндиги вазифа мамлакатимиз раҳбари томонидан бошланган кенг қамровли лойиҳаларнинг энг қуйи бугунларгача етиб бориши ва уларнинг самарали ижро этилишида барчамиз биргаликда ҳаракат қилишимизда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси Вазирлар Маҳкамасининг Саноат ва унинг базавий тармоқларини ҳамда кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари департаменти бош мутахассиси Жамол Файзуллаевга отаси

Сабахон ФАЙЗУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.